

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

31-сон
(1155)
2024 йил
август

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

265. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашили ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 июлдаги ПФ–106-сон Фармони

Учинчи бўлим

266. «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарори

Бешинчи бўлим

267. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил

- 14 июндаги 143-сон “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3538*)
268. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 26 июндаги 149-сон “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-8*)
269. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 139-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (16-сонли БҲМС) “Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ходисалар ва назарда тутилмаган ҳолатлар”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3539*)
270. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 1 июлдаги 150-сон “Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-4*)
271. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 142-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сонли БҲМС) “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш”ни тасдиқлаш ҳақида”-ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3540*)
272. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2024-yil 5-iyuldagi 236-son “Davlat mulkini xususiyashtirishga tayyorlashda yuridik shaxsning (davlat ko‘chmas mulk obyektini balansda saqlovchining) rahbari tomonidan tasdiqlanadigan asosiy vositalarni inventarizatsiyadan o‘tkazish dalolatnomalarining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i (*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil 2-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3541*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

265 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида*

Сўнги йилларда мамлакатимизда саноат ишлаб чиқариши, энергетика, қурилиш, транспорт, қазилма бойликларни қазиб олиб қайта ишлаш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларининг ўсиши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида бир қанча оғир вазифаларни юкламоқда.

Мамлакатимизда «яшил» транспортга жадаллик билан ўтилиши, муқобил энергия манбалари улушининг кўпайиши, қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси кенг жорий этилиши, шунингдек, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг (кейинги ўринларда — Экология вазирлиги) ташкил этилиши, «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва углерод нейтраллигига эришиш Янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик мақсадига айланганидан далолат беради.

Шу билан биргаликда, давлат органларининг ҳозирги иқлим ўзгариши шароити бўйича ишончли мониторинг маълумотлари билан етарли даражада таъминланмаганлиги ҳамда илмий асосланган таҳлилий ва услубий маълумотлар етишмаслиги ушбу соҳада тўлақонли илмий тадқиқотларни олиб боришга тўсқинлик қилмоқда.

Хусусан, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг ягона давлат сиёсати, идоралараро мувофиқлаштиришнинг самарали тизими мавжуд эмас, шунингдек, иқлим ўзгариши бўйича тегишли маълумотларни мониторинг қилиш, тўплаш, таҳлил қилиш, сақлаш ва узатиш ишлари сустлигича қолмоқда. Айрим идораларда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва уларга мослашиш учун тармоқ стратегияси мавжуд эмас.

Бундан ташқари, рақамлаштириш ва соҳага замонавий технологияларни жорий этиш етарли даражада эмас ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, унга мослашиш бўйича ягона билимлар базасини яратиш ва тизимлаштириш жараёни ташкил этилмаган.

Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг ички институционал механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, Париж битими бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларни самарали амалга ошириш мақсадида:

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 августда эълон қилинган.

1. Экология вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгаши (кейинги ўринларда — Иқлим кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

Иқлим кенгаши иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги энг юқори маслаҳат органи ҳисобланади;

Иқлим кенгашининг йиғилишлари бир календарь йил давомида уч марта ялпи мажлислар (йилига бир марта) ва оралиқ мажлислар (йилига икки марта) шаклида ташкил этилади.

2. Қуйидагилар Иқлим кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси (кейинги ўринларда — Конвенция) ва Париж битимидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини юритиш;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ташқи сиёсатни амалга оширишнинг йиллик устувор йўналишларини белгилаш;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш;

«яшил» технологиялар, илмий изланишлар ва инновацияларни ўз ичига олган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ресурслар билан таъминлаш ва молиялаштиришга, шу жумладан, инвестициялар жалб қилишга қўмаклашиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқлим кенгаши таркиби 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқлим кенгаши тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Экология вазирлиги ҳузуридаги давлат муассасаси шаклидаги Яшил трансформация ва иқлим ўзгаришига мослашиш миллий маркази Иқлим ўзгариши миллий маркази (кейинги ўринларда — Иқлим маркази) деб қайта номлансин.

* 1, 2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Иқлим марказининг асосий вазифа ва ваколатлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

а) Иқлим маркази:

Иқлим кенгашининг ишчи органи;

иқлим ўзгариши масалалари бўйича муҳим халқаро ва минтақавий расмий тадбирларда, шу жумладан, ҳар йили ўтказиладиган БМТ Конвенцияси йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг иштирок этишини мувофиқлаштириш ва унга тайёргарлик кўриш бўйича ваколатли орган;

«Йўқотиш ва зарарлар» жамғармаси (LDF), шунингдек, «Green cities» (шаҳарлар, вилоятларнинг экологик мастер-режасини жорий этиш, ижро этилишини назорат қилиш ва шаҳарларнинг экологик рейтингини тузиш) фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

б) Экология вазирлиги иқлим ўзгариши таъсирини юмшатиш учун табиатга асосланган ечимларни (Nature Based Solutions) амалга ошириш орқали углерод квоталари савдосидан олинган маблағларнинг миллий бенефициари ҳисобланади.

6. Ушбу Фармонга 5-иловада* келтирилган вазирлик ва идоралар икки ҳафта муддатда мавжуд штат бирликлари доирасида 2-3 штат бирлигидан иборат бўлган экологик дипломатия бўлимларини ташкил этсин.

Экологик дипломатия бўлимларининг асосий вазифалари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Илмий ва академик салоҳиятни ошириш ҳамда фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида (Green University) Иқлим илмий форуми (резиденцияси) (кейинги ўринларда — Иқлим резиденцияси) ташкил этилсин.

8. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2024 йил 1 сентябрга қадар иқлим ўзгариши бўйича стратегияларни ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилинадиган халқаро молия институтлари, асосий халқаро ташкилотлар ҳамда амалга ошириладиган илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишлари рўйхатларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда вазирлик ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда иш самарадорлигини ошириш учун Иқлим марказига экологик дипломатия бўлимларининг тасдиқланган ходимлар рўйхатини тақдим этсин;

тўрт ой муддатда Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияга киритиш учун иқлим ўзгариши соҳасидаги истиқболли инвестиция лойиҳалари бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2025 йил 1 январга қадар иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсати тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2025 йил 1 октябрга қадар иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳалар стратегияларини Иқлим маркази билан келишган ҳолда ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2026 йил 1 январга қадар Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегия тўғрисидаги қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги углерод бирликлари савдоси бозорини рағбатлантириш, шунингдек, ушбу йўналишда амалга ошириш учун лойиҳаларни жалб этиш, иқлим ўзгариши соҳасида илмий салоҳиятни ошириш мақсадида:

а) Экология вазирлиги билан биргаликда:

2024 йил 1 октябрга қадар Яшил иқтисодиёт миллий таксономиясидан келиб чиққан ҳолда табиатга асосланган ечимларни (Nature Based Solutions) қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилишини;

2026 йил 1 январга қадар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва ўрмон хўжаликлари, шунингдек, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш жараёнида барпо этилган яшил майдонлар ҳисобига ҳосил бўладиган углерод квоталари савдоси механизми тасдиқланишини;

б) икки ой муддатда иқлимшунослик, иқлимни моделлаштириш, қум ва чанг бўронлари, иқлимни молиялаштириш, иқлим хатарини таҳлил қилиш, углерод бозори, қайта тикланадиган манбалар, шаҳарсозлик йўналишлари бўйича икки йил давомида Иқлим марказида ишлашга хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун илмий лойиҳаларни молиялаштиришга мўлжалланган бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси томонидан тасарруф этиладиган углерод бирликлари савдоси натижасида ҳосил бўладиган маблағларнинг 20 фоизи Экология вазирлиги ҳузуридаги Экология жамғармасига, қолган қисми иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг таъсирини юмшатиш, экология соҳасидаги дастурлар, тadbирларнинг амалга оширилишига ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, циркуляр ва яшил иқтисодиёт, чиқиндиларни бошқариш билан боғлиқ соҳаларга йўналтириш учун республика бюджетига йўналтирилади.

10. Рақамли технологиялар вазирлиги:

2024 йил 1 ноябрга қадар Иқлим маркази ва экологик дипломатия бўлимларига тармоқлараро маълумотларни тўплаш ва сақлаш тизимини ташкил этишда техник ёрдам кўрсатсин;

2024 йил якунига қадар Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги, Кадастр агентлиги, Статистика агентлиги, Республика аэрогеодезия маркази ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда иқлим ўзгариши соҳасидаги маълумотларни Иқлим марказининг ахборот-таҳлилий базасига интеграция қилиш ва тўлдириш учун барча зарур чораларни кўрсин.

11. Ички ишлар вазирлиги белгиланган тартибда Иқлим маркази, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) ҳамда Иқлим резиденциясининг сўровларига кўра, Университетда ишлаш учун жалб этиладиган хорижлик ўқитувчилар, олимлар ва му-

тахассисларга кўп марталик визаларни бериш ва узайтиришни, шунингдек, вақтинчалик рўйхатдан ўтиш ва уни узайтиришни таъминласин.

12. Ташқи ишлар вазирлиги белгиланган тартибда:

Экология вазирлигининг виза талабномаларига биноан чет эллик ўқитувчилар, олимлар ва экспертлар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан расмийлаштирилишини;

салоҳиятли кадрларни жалб қилиш ва илғор тажрибаларни алмашиш учун етакчи университетлар, илмий-таҳлилий марказлар билан ҳамкорлик ўрнатишда Иқлим марказига кўмаклашишни таъминласин.

13. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга 2024 йил 1 декабрга қадар амалдаги қонунчиликни иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослаштириш бўйича чора-тадбирларни самарали амалга ошириш нўқтаи назаридан такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Экология вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдуҳақимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2024 йил 23 июль,
ПФ–106-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 23 июлдаги
ПФ–106-сон Фармониغا
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Иқлим кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Иқлим кенгашининг (кейинги ўринларда — Иқлим кенгаши) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг ташкилий асосларини белгилаб беради.

Иқлим кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Иқлим кенгашини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–106-сон Фармониغا асосан ташкил этилди.

2. Иқлим кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари бўйича энг юқори маслаҳат органи ҳисобланади.

Иқлим кенгаши вазирлик ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишнинг ягона давлат сиёсатини амалга оширишига доир фаолиятини мувофиқлаштиради ва унинг қарорлари вазирлик ва идоралар, юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

Иқлим кенгашининг йиғилишлари бир календарь йил давомида уч марта, ялпи мажлислар (йилига бир марта) ва оралиқ мажлислар (йилига икки марта) шаклида ташкил этилади.

Иқлим кенгашининг ялпи мажлиси бўйича ташкилий ишлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан, оралиқ мажлислари бўйича — Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Иқлим кенгаши ўз фаолиятини халқаро амалиётнинг тасдиқланган натижалари, илмий тадқиқотлар ва Иқлим ўзгариши миллий маркази (кейинги ўринларда — Иқлим маркази) томонидан ишлаб чиқилган таклифлар асосида амалга оширади.

4. Иқлим кенгашининг мақсади:

иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш, ягона иқлим сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг ички институционал механизмларини такомиллаштириш;

Париж битими бўйича Ўзбекистон Республикаси томонидан қабул қилинган мажбуриятларни самарали амалга ошириш;

кам углеродли иқтисодиётга ўтишни тезлаштириш ва фуқаролар фаровонлигини ошириш.

2-боб. Иқлим кенгаши фаолиятининг асосий вазифалари

5. Иқлим кенгашининг асосий вазифалари:

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Париж битимидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини юритиш;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ташқи сиёсатни амалга оширишнинг йиллик устувор йўналишларини белгилаш;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш;

«яшил» технологиялар, илмий изланишлар ва инновацияларни ўз ичига олган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ресурслар билан таъминлаш ва молиялаштиришга, шу жумладан, инвестициялар жалб қилишга кўмаклашиш.

6. Иқлим кенгаши ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни ҳамда ушбу йўналишда ягона давлат сиёсатини шакллантириш бўйича:

иқлим ўзгариш динамикасини ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича истиқболли мақсадлар ва йўналишларни белгилайди;

истиқболли мақсадлар ва йўналишлардан келиб чиқиб, Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияга киритилиши лозим бўлган кўрсаткичларнинг белгиланишини таъминлайди;

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш бўйича ўрта ва қисқа муддатли дастурлар, «йўл хариталари», чора-тадбирлар дастурларини тасдиқлайди;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича давлат сиёсатини шакллантириш, такомиллаштириш ва уни амалга ошириш юзасидан таклифларни кўриб чиқади;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишнинг йиллик устувор йўналишларини белгилайди;

б) вазирликлар ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ишларини мувофиқлаштириш бўйича:

вазирлик ва идораларнинг Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегиядан келиб чиқадиган вазифаларини белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишда вазирлик ва идораларнинг соҳавий стратегиялари таҳлил қилинишини таъминлайди ва иқлим ўзгариши бўйича фаолият доирасини белгилайди;

вазирлик ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширишдаги фаолияти ўрганилишини ва самарадорлиги оширилишини таъминлайди;

в) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси ва Париж битимидан келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини юритиш бўйича:

республиканинг мазкур халқаро ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини самарали амалга ошириш йўлларини белгилайди;

республиканинг мазкур халқаро ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятлари вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кесимида таҳлил қилинишини ва аниқланган камчиликлар бартараф этилишини таъминлайди;

г) иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича ташқи сиёсатни амалга оширишнинг йиллик устувор йўналишларини белгилаш бўйича:

бошқа давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш йўналишларини белгилаб беради;

бошқа давлатларда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича қилинаётган ишларни таҳлилий ўрганишни ташкил этади;

Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенция ва Париж битимида мувофиқ Ўзбекистон томонидан бериладиган ҳисобот ва маълумотлар тайёрланишини ташкил этади;

д) иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш бўйича:

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари етарли даражада тартибга солинганлигини ўрганишни ташкил қилади;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича қонунчиликда аниқланган бўшлиқ ва зиддиятларни бартараф этишга қаратилган ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкиллаштиради;

е) «яшил» технологиялар, илмий изланишлар ва инновацияларни ўз ичига олган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ресурслар билан таъминлаш ва молиялаштириш, шу жумладан, инвестициялар жалб қилишга қўмаклашиш бўйича:

«яшил» технологиялар, илмий изланишлар ва инновацияларни ўз ичига

олган иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳалар учун ресурслар зарурияти ва уларнинг миқдорини аниқлашни ташкил этади;

банк ва бошқа молия институтларига иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳалар учун кредит ва қарз ажратилишини ташкиллаштиради;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро ва чет эл молия институтларидан техник ва гуманитар ёрдам олишга қўмаклашади.

7. Ушбу вазифа ва функцияларни бажариш учун Иқлим кенгаши қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Иқлим кенгашининг ишчи органи — Иқлим маркази томонидан тақдим этилган илмий жиҳатдан асосланган маълумотларга кўра кун тартибини шакллантириш;

республика ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

Иқлим кенгаши фаолиятдан келиб чиқадиган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

3-боб. Иқлим кенгаши таркиби

8. Иқлим кенгаши раис, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат.

Иқлим кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Иқлим кенгаши раиси вазирлик ва идораларнинг, илмий ва таълим ташкилотларининг ходимларини ва бошқа мутахассисларни шартнома асосида эксперт ва ишчи гуруҳ аъзолари сифатида ёхуд яқка тартибда лойиҳалар ишлаб чиқиш ва маълум ишларни бажариш учун жалб қилиш ҳуқуқига эга.

9. Иқлим кенгашини раис бошқаради.

10. Иқлим кенгаши раиси:

Иқлим кенгашининг умумий бошқарувини амалга оширади;

Иқлим кенгаши аъзоларининг шахсий таркибини тасдиқлайди;

Иқлим кенгаши аъзоларига кўрсатмалар беради.

11. Иқлим кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Иқлим кенгашига қўриб чиқиш учун тақдим этилган материалларни тайёрлаш ва муҳокама қилишда иштирок этиш;

Иқлим кенгаши мажлисининг кун тартибига киритиш ва ишчи комиссиялар даражасида ишлаб чиқиш учун муайян масалалар бўйича таклифлар киритиш;

Иқлим кенгаши йиғилишларида муҳокама қилинган масалалар бўйича керакли маълумотларни олиш.

4-боб. Иқлим кенгаши ишини ташкил этиш

12. Фавқулудда йиғилишлар Иқлим кенгаши раиси ташаббуси билан чақирилади.

13. Иқлим кенгашида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш унинг ишчи органи — Иқлим маркази томонидан амалга оширилади.

14. Вазирлик ва идораларнинг экологик дипломатия бўлимлари сўралган материалларни белгиланган муддатда Иқлим кенгашининг ишчи органи — Иқлим марказига тақдим этишлари шарт.

15. Вазирлик ва идораларнинг жорий фаолияти бўйича лойиҳалар самардорлиги, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва мослаштириш билан боғлиқ таклиф ва сўровлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар экологик дипломатия бўлимлари томонидан ҳар чорак бўйича ҳисобот бериладиган чоракдан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай тақдим этилади.

16. Иқлим кенгаши иши унинг аъзолари умумий йиғилишлари шаклида амалга оширилади.

Иқлим кенгаши йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар ва уни ўтказиш жойи, санаси ва вақти ишчи органнинг таклифига биноан Иқлим кенгаши раиси томонидан белгиланади.

Ишчи орган Иқлим кенгаши аъзоларини бу тўғрисида камида ўн кун олдин ёзма равишда ёки электрон кўринишда хабардор қилади.

Иқлим кенгаши йиғилиши агар унда аъзоларнинг ярмидан кўпи ҳозир бўлган бўлса ваколатли ҳисобланади.

Агар йиғилишга бундан кам аъзолар келган бўлса, Иқлим кенгаши йиғилиши бошқа санага қолдирилади.

Иқлим кенгаши йиғилишида унинг котиби томонидан баённома юритилади.

Иқлим кенгаши йиғилишида қарорлар очиқ ёки айрим масалалар юзасидан олдиндан келишилган ҳолда ёпиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Иқлим кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Агар қарор лойиҳаси бўйича оддий кўпчилик (50 фоиз+1) овоз берилган бўлса, у қабул қилинган ҳисобланади. Тарафдор ва қарши овозлар сони тенг бўлган тақдирда Иқлим кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Масалаларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, Иқлим кенгаши барча давлат идоралари ва ташкилотлари учун мажбурий бўлган, йиғилишларида қабул қилинган ва баён билан расмийлаштирилган қарорларни қабул қилади.

5-боб. Иқлим кенгаши фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш

17. Иқлим кенгаши Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 23 июлдаги
ПФ–106-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

Иқлим ўзгариши миллий марказининг асосий вазифалари ва ваколатлари

1. Қуйидагилар Иқлим ўзгариши миллий марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

иқлим ўзгариши соҳасидаги давлат сиёсати ва миллий стратегияси бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва Иқлим кенгашига тақдим этиш;

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегия бажарилишини назорат қилиш;

иқлим ўзгариши соҳасидаги ташқи сиёсатнинг йўналишлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда қатнашиш;

иқлим ўзгариши бўйича минтақавий мулоқотларда ваколатли идораларга тақдим этиш учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

миллий қонунчиликни иқлим ўзгариши соҳасида қабул қилинган минтақавий ва глобал ҳужжатларга уйғунлаштириш юзасидан таҳлил қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг иқлим ўзгаришига таъсирини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

тегишли вазирлик ва идоралар билан Париж битимининг 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 13-моддаларида назарда тутилган мажбуриятлар доирасида зарур ҳисобот ҳужжатларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш;

вазирлик ва идораларнинг иқлим ўзгариши соҳасида тармоқ ҳаракат режалари ва дастурларини тайёрлаш ҳамда амалга ошириш, шунингдек, Иқлим ўзгариши тўғрисидаги доиравий конвенцияси олдидаги мажбуриятларни, Конвенция томонлар йиғилишларининг қарорларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш;

иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро ҳайъат (IPCC) доирасида фаолият олиб бориш;

иқлим ўзгариши соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг истиқболли йўналишларини ривожлантириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳадаги инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, «Яшил иқлим жамғармаси» (GCF), «Мослашиш жамғармаси» (AF) ва «Йўқотиш ва зарарлар жамғармаси» (LDF) томонидан халқаро ва миллий даражада молиялаштириладиган лойиҳаларни кузатиб бориш;

вазирлик ва идораларнинг лойиҳаларини мониторинг қилиш асосида иқлим ўзгариши бўйича ягона ахборот-таҳлилий маълумотлар базасини шакллантириш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш;

иқлим ўзгариши соҳасида олиб борилаётган сиёсат тўғрисида хабардор-

ликни ошириш, жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб қилиш ва тан олиншига ҳисса қўшиш;

Ўзбекистоннинг иқлим ўзгариши соҳасида халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш, ижобий имиж яратишга кўмаклашиш, иқлим ўзгариши бўйича глобал қарорлар қабул қилиш жараёнида мамлакатнинг манфаатлари ифода этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

илмий-тадқиқот институтлари ва университетлар билан ҳамкорликда иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш масалалари бўйича илмий асосланган сиёсатни шакллантириш;

иқлим ўзгариши шароитида аҳолининг энг заиф гуруҳларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳисобга олиншини назорат қилиш;

иқлим ўзгариши ва унинг оқибатлари тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш учун илмий-оммабоп ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, шунингдек, иқлим ўзгариши соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини оммалаштириш.

2. Белгиланган вазифаларни бажариш учун Иқлим ўзгариши миллий маркази қўйидаги ваколатларга эга:

вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг бўлинмалари томонидан иқлим ўзгариши соҳасидаги сиёсатини жорий этиш жараёнини ўрганиш;

зарур ҳолларда республика ва хориждаги етакчи олимлар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишчи ва эксперт гуруҳлар тузиш, шу жумладан, шартнома асосида қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, хулосалар, ахборот-таҳлилий материаллар ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ҳамда унга мослашиш бўйича чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

давлат органи ва бошқа ташкилотлардан зарур бўлган таҳлилий статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

давлат бошқаруви органларининг ахборот-кутубхона ва архив ресурсларидан бепул фойдаланиш;

маҳаллий, халқаро ва хорижий илмий марказлар, таълим муассасалари, давлат идоралари ва ташкилотлари билан тузилган шартномалар асосида ташаббусли тадқиқотларни амалга ошириш, стратегиялар, концепциялар, дастурлар ва бошқа ҳужжатларни, шу жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахслардан хайрия маблағларини, хорижий ва халқаро ташкилотлардан грантлар ва техник ёрдам жалб қилиш, тақдим этилган грантлар ҳисобидан илмий ва ихтисослаштирилган тадқиқотлар олиб бориш;

қонунчиликда тақиқланмаган манбалардан ҳомийлик хайриялари ва бошқа маблағларни жалб қилиш;

белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда, халқаро молия институтлари ва иқлим жамғармаси аккредитациясидан ўтиш;

халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар билан иқлим ўзгариши оқи-

батларини юмшатиш ва унга мослашишга қаратилган махсус ташаббусли лойиҳаларни амалга ошириш;

ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва маърузалар, илмий-амалий мавзулардаги даврий нашрларни чоп этиш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 23 июлдаги
ПФ–106-сон Фармониغا
5-ИЛОВА

**Экологик дипломатия бўлимлари ташкил этиладиган
вазирлик ва идоралар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Вазирлик ва идораларнинг номи	Ташкил этиладиган бўлимлар фаолиятининг потенциал йўналишлари
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Иқлим ўзгариши миллий маркази <i>(Вазирлик ва идораларнинг Экологик дипломатия бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш)</i>		
1.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> «Яшил» иқтисодиёт. Барқарор ва кам углеродли саноат. «Яшил» таксономия. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
2	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> Иқлим инвестициялари. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
3.	Энергетика вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> Қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбалари. Энергетика соҳасида иссиқхона газлари ташламаларини камайтириш. Сув — озик-овқат — иқлим — энергетика. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
4.	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> Барқарор қишлоқ хўжалиги. Ер деградацияси. Сув — озик-овқат — иқлим — энергетика. Иқлим ўзгариши шароитида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
5.	Сув хўжалиги вазирлиги	<ol style="list-style-type: none"> Сув танқислигининг кучайиши шароитида сувни барқарор бошқариш. Сув — озик-овқат — иқлим — энергетика.

		3. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
6.	Транспорт вазирлиги	1. «Яшил» транспортни ривожлантириш. 2. Механизациялашмаган (велосипед, самокат ва бошқалар) транспорт инфратузилмасини ривожлантириш. 3. Транспорт соҳасида иссиқхона газлари ташламаларини камайтириш. 4. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
7.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	1. Энергия тежамкор бинолар. 2. «Яшил» қурилиш. 3. Кам углеродли уй-жой фондини ривожлантириш. 4. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
8.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1. Иқлим ўзгаришининг аҳоли саломатлигига таъсири. 2. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
9.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги	1. Табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви, прогноз қилиш ва назоратни олиб бориш. 2. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси. 3. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ табиий офатлар хавфига қарши самарали курашиш ҳамда улар юзага келганда оқибатларини бартараф этиш.
10.	Рақамли технологиялар вазирлиги	1. Сунъий йўлдош ёрдамида мониторинг тизимлари. 2. Маълумотларни рақамлаштириш ва моделлаштириш. 3. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
11.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги	1. Иқлим ўзгариши туфайли аҳоли миграцияси. 2. «Яшил» иш ўринлари. 3. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
12.	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги	1. Иқлим бўйича таълимни ривожлантириш. 2. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
13.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги	1. Иқлим ўзгариши масалалари бўйича мутахассислар тайёрлаш. 2. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.
14.	Ёшлар ишлари агентлиги	1. Ёшларни иқлим ўзгариши масалаларига жалб қилиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш.

		<p>2. Ёшларни иқлим ўзгариши масалаларига жалб қилиш бўйича минтақавий стратегияни амалга ошириш.</p> <p>3. Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳа стратегияси.</p>
--	--	---

Изоҳ: Ташқи ишлар вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигида Экологик дипломатия бўлимлари ташкил этилганлиги эътиборга олинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 23 июлдаги
ПФ–106-сон Фармониға
6-ИЛОВА

Экологик дипломатия бўлимларининг асосий вазифалари

Қуйидагилар Экологик дипломатия бўлимларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича миллий стратегияни амалга ошириш юзасидан долзарб маълумотларни тўplash ва ўз вақтида Иқлим ўзгариши миллий марказига тақдим этиш, Иқлим кенгаши кун тартибини шакллантириш;

б) тегишли вазирликлар ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳавий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ишларини мувофиқлаштириш;

в) тегишли вазирликлар ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш бўйича соҳавий стратегияси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот ва ҳисоботларини тақдим этиш;

г) иқлим ўзгариши масалалари, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келиб тушган сўровлар тўғрисида Иқлим ўзгариши миллий марказини хабардор қилиш;

д) тегишли вазирлик ва идораларнинг иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва унга мослашиш нуқтаи назаридан амалга оширилаётган лойиҳаларини биргаликда мувофиқлаштиришга кўмаклашиш;

е) иқлим ўзгаришига таъсири даражасини аниқлаш учун экологик дипломатия бўлимларининг тегишли йўналишига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;

ж) иқлим ўзгариши соҳасидаги илмий тадқиқотларни тегишли вазирликлар ва идораларнинг сиёсатига интеграция қилишга кўмаклашиш;

з) иқлим ўзгаришининг соҳага таъсири бўйича ташаббусли илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

и) экологик дипломатия бўлимлари томонидан мониторинг натижалари

ва долзарб иқлимий маълумотларни ўз ичига олган мунтазам ҳисоботларни ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай Иқлим ўзгариши миллий марказига тақдим этиш;

к) иқлим ўзгариши масалалари билан боғлиқ хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан келиб тушган таклифлар ва бошқа сўровлар тўғрисида хабарномани тегишли хатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қабул қилинганидан кейинги кундан кечиктирмай белгиланган тартибда Иқлим ўзгариши миллий марказига электрон шаклда юбориш.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2024 йил 23 июлдаги
ПФ–106-сон Фармониغا
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 декабрдаги «Чорвоқ» туристик-рекреацион зонасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5273-сон Фармонининг 15-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ–5308-сон Фармони-га илованинг 156-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5863-сон Фармони-га 2-илованинг 16-позицияси чиқариб ташлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармони-га 1-иловадаги «11. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» бўлими «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги» позициясининг «Жами бошқарув штат бирликлари сони» ва «Давлат бюджети ҳисобидан» устунларидаги «1755» рақами «1767» рақами билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–81-сон Фармонида:

а) 11-банднинг учинчи хатбошисидаги «2024 йил 1 июнга қадар» сўзлари «2025 йил 1 августга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2024 йил 1 августдан бошлаб ЮНЕСКОнинг халқаро конвенция талабларига асосан Ўзбекистон табиий мерос объектлари номинацияларини белгиланган тартибда ЮНЕСКО рўйхатига тақдим этиш чораларини кўриб борсин»;

в) 16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 январдаги «Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайитириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5-сон Фармонига 10-иловада:

26-позиция чиқариб ташлансин;

29-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2024 йил октябрь» сўзлари «2025 йил январь» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ–37-сон Фармонида:

а) 3-иловада:

26-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2024 йил август» сўзлари «2024 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин;

29-позиция чиқариб ташлансин;

б) 8-илованинг 12-позицияси «Ижро муддати» устунидаги «2024 йил август» сўзлари «2024 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 июлдаги «Ички бозорни қум-шағал материаллари билан барқарор таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3841-сон қарорининг 11-бандидаги «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмиталарининг» сўзлари «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги «2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ–4291-сон қарорига 2-иловада:

а) 6, 9, 10, 12, 20 ва 21-позициялар чиқариб ташлансин;

б) 18-позицияда:

«Амалга ошириш муддатлари» устунидаги «2019 — 2021 йиллар» сўзлари «2023 — 2026 йиллар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Амалга ошириш механизмлари ва шакллари» устунида 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. «Оҳангарон» (Оҳангарон тумани) полигонини ёпиш».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4845-сон қарорининг 14-банди ва 15-бандининг «а» ва «б» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 декабрдаги «Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4925-сон қарорида:

8-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

2-илованинг 14-позицияси чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик назорат соҳасидаги давлат органлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–76-сон қарорига 6-иловада:

19-позиция чиқариб ташлансин;

20-позициянинг «Ижро муддати» устунисидаги «2023 йил ноябрь» сўзлари «2025 йил август» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 августдаги «Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш ва аҳоли пунктларида тозаланиш таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–349-сон қарорида:

а) 4-банд ҳамда 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 5-банд қуйидаги мазмундаги «ж» кичик банд билан тўлдирилсин:

«ж) экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида Марказ ва унинг ҳудудий филиаллари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилди».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–171-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Вазирлик ҳузурида Париж битими (Париж, 2015 йил 12 декабрь) доирасида қабул қилинган мажбуриятлар, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги вазифаларни бажаришга масъул бўлган давлат муассасаси шаклидаги Иқлим ўзгариши миллий маркази ташкил этилсин»;

б) 4-банднинг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 19-банднинг биринчи хатбошисидаги «2024 йил 1 сентябрдан» сўзлари «2025 йил 1 июлдан» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2а-иловада:

3-позицияда:

«Янги ташкил қилинаётган тузилманинг тўлиқ (расмий) номи» устунисидаги «Яшил трансформация ва иқлим ўзгаришига мослашиш» сўзлари «Иқлим ўзгариши» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Қоидалар» устунисидаги «Вазирликнинг умумий штатлари доирасида» сўзлари «Вазирлик ҳузурида» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-позициянинг «Қоидалар» устунисидаги «Вазирликнинг умумий штатлари доирасида» сўзлари «Вазирлик ҳузурида» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-иловада «Яшил трансформация ва иқлим ўзгариши миллий маркази»

давлат муассасаси» блоки «Иқлим ўзгариши миллий маркази» давлат муассасаси» блоки билан алмаштирилсин;

е) 4-иловада:

33, 34, 41 ва 105-позицияларининг «Ижро қилиш муддати» устунидаги «2023-2024 йиллар» сўзлари «2024 — 2026 йиллар» сўзлари билан алмаштирилсин;

99-позиция чиқариб ташлансин;

ж) 5-иловада:

22-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил октябрь» сўзлари «2025 йил март» сўзлари билан алмаштирилсин;

37-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил декабрь» сўзлари «2025 йил апрель» сўзлари билан алмаштирилсин;

47-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2024 йил декабрь» сўзлари «2025 йил август» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги «Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети (Green University) фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–174-сон қарорига 1-илова* қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–300-сон қарорига:

3а-илованинг 10, 34 ва 35-позициялари чиқариб ташлансин;

3б-илованинг 13-позицияси «Ижро муддати» устунидаги «2023 йил декабрь» сўзлари «2024 йил декабрь» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 январдаги «Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–21-сон қарорига 1-иловада:

16-позиция чиқариб ташлансин;

24-позициянинг «Ижро муддати» устунидаги «2024 йил июль» сўзлари «2025 йил март» сўзлари билан алмаштирилсин.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

266 Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 13 мартдаги ПФ–49-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолияти натижадорлигини ҳамда мақсадли кўрсаткичларга эришишни баҳолашнинг самарали тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланадиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарларининг (кейинги ўринларда — баҳоланувчи раҳбарлар) фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари) асосида «samaradorlik.uz» электрон платформаси (кейинги ўринларда — платформа) орқали баҳоланади.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари платформадан

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 августда эълон қилинган.

«hgm.argos.uz» электрон платформасига уланиш ва хизмат кўрсатиш бўйича шартнома доирасида фойдаланади.

3. Баҳоланувчи раҳбарлар ўз фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни платформага ўз вақтида ва сифатли киритиб борсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш учун масъуллар:

Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш учун масъул ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) томонидан платформага киритилади;

ушбу ташкилотлар ўзининг масъул ходимларини «hgm.argos.uz» электрон платформасига киритиб, платформа орқали самарадорлик кўрсаткичларига масъул этиб бириктирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги электрон ҳисоботи юритилмайдиган самарадорлик кўрсаткичларини 2025 йил якунига қадар босқичма-босқич рақамлаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини амалга ошириш юзасидан маълумотларни ҳар чоракда Агентлик ва Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

6. Белгилансинки, Агентлик платформанинг эгаси, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор «UZINFOCOM» МЧЖ (кейинги ўринларда — Оператор) оператори ҳисобланади.

Оператор платформани жорий этиш, унга техник хизмат кўрсатиш, платформани янада такомиллаштириш, шунингдек, унинг узлуксиз ва хавфсиз ишлаши учун масъул этиб белгилансин. Оператор:

икки ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, платформани такомиллаштиради ва тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилсин;

платформанинг фаолиятида нуқсон ва носозликлар аниқланганда, Агентлик талабномасига асосан уларнинг уч кун ичида бартараф этилишини таъминласин;

Агентликнинг таклифларига асосан ҳамда уларда белгиланган муддатларда платформани такомиллаштириш чораларини кўриб борсин.

7. Агентлик:

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиради;

йил якуни бўйича баҳолаш натижаларини таҳлил қилган ҳолда, баҳоланувчи раҳбарлар фаолиятини самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартибини такомиллаштириш, инсон омили аралашувини кескин қисқартириш ва жараённи янада рақамлаштириш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазир**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 31 июль,
463-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида
баҳоланадиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва
хўжалик бирлашмалари
РЎЙХАТИ**

I. Вазирликлар

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги
2. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги
3. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги
4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
5. Сув хўжалиги вазирлиги
6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги
7. Транспорт вазирлиги
8. Энергетика вазирлиги
9. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги
10. Рақамли технологиялар вазирлиги
11. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги
12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
13. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
14. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
15. Спорт вазирлиги
16. Маданият вазирлиги
17. Ташқи ишлар вазирлиги

II. Қўмиталар

18. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси
19. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
20. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги қўмитаси

21. Дин ишлари бўйича қўмита
22. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси
23. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси
24. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси
25. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги
26. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси
27. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси
28. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси
29. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси

III. Агентликлар

30. Ёшлар ишлари агентлиги
31. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги
32. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергияси агентлиги
33. Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги
34. Давлат активларини бошқариш агентлиги
35. Миллий антидопинг агентлиги
36. Маданий мерос агентлиги
37. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги
38. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги
39. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги
40. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги
41. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлиги
42. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги
43. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги
44. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги
45. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати агентлиги
46. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги
47. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги

48. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги

49. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги

50. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги

IV. Инспекциялар

51. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси

52. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

53. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси

54. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси

55. Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси

56. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Тоғ-кон саноати ва геология соҳасини назорат қилиш инспекцияси

57. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси

58. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси

V. Давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган компаниялар ва жамиятлар

59. «Ўзавтосаноат» АЖ

60. «Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси» АЖ

61. «Ўзагролизинг» АЖ

62. «Ўзсувтаъминот» АЖ

63. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ

64. «Uzbekistan Airways» АЖ

65. «Uzbekistan Airports» АЖ

66. «Тошшаҳартрансхизмат» АЖ

67. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ

68. «Ўзбекнефтгаз» АЖ

69. «Ўзтрансгаз» АЖ

70. «Худудий электр тармоқлари» АЖ

71. «Иссиқлик электр станциялари» АЖ

72. «Худудгазтаъминот» АЖ

73. «Ўзбекгидроэнерго» АЖ

74. «Навоий КМК» АЖ

75. «Олмалиқ КМК» АЖ

76. «Ўзметкомбинат» АЖ

77. «Ўзкимёсаноат» АЖ
78. «Навоийазот» АЖ
79. «Ўзбектелеком» АК
80. «Ўзмелиомашлизинг» ДУК
81. «Навоийуран» ДК

VI. Уюшмалар

82. «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси
83. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси
84. «Ўзчармсаноат» уюшмаси
85. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси
86. «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси
87. «Ўзёғмойсаноат» уюшмаси
88. «Хунарманд» уюшмаси
89. «Ўзбекзаргарсаноати» уюшмаси
90. «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси
91. «Паррандасаноат» уюшмаси
92. «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси
93. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши

Изоҳ. Ушбу рўйхатдаги республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари бўлганда, шунингдек, режим ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосарларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 мартдаги ПФ–49-сон Фармони билан жорий этилган фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими татбиқ этилмайди.

* 3 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик
бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари
фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари
асосида баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари) асосида баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Фаолияти энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланадиган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари рўйхатига киритилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига (кейинги ўринларда — баҳоланувчи раҳбар) нисбатан татбиқ этилади.

3. Самарадорлик кўрсаткичлари ҳар йил учун чораклар кесимида ишлаб чиқилиб, тасдиқланади ҳамда унинг ижроси ҳар чорак ва йил якуни бўйича баҳоланади.

Бунда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари кузатув кенгашлари томонидан маъқулланади ҳамда унинг ижроси ҳар чорак ва йил якуни бўйича кузатув кенгашлари томонидан муҳокама қилинади.

4. Самарадорлик кўрсаткичларида «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш доирасида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларига юкланган вазифалар ҳамда топшириқлар, шунингдек, баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсадлари акс эттирилади.

5. Самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича «йўл хариталари» ҳамда уларни ҳудудларда амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

6. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш ушбу Низомга 1-иловадаги* схемага асосан «Samaradorlik.uz» электрон платформаси (кейинги ўринларда — платформа) орқали амалга оширилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2-боб. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

7. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларининг намунавий шакли ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ белгиланади.

8. Ҳар бир баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари сони қоида тариқасида, 5 тадан 10 тагача бўлади.

9. Самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

аниқ бўлиши — эришиш кўзланаётган самарадорлик кўрсаткичларининг аниқ белгиланиши;

вақт чегарасининг мавжудлиги — эришиш кўзланаётган натижаларга эришишнинг аниқ муддатлари белгиланиши;

компетентлиги — самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланувчи раҳбарнинг вазифа ва жавобгарлиги доирасида бўлиши;

мақсадлилиги — самарадорлик кўрсаткичлари республика ижро этувчи ҳокимият органининг асосий вазифаларини амалга оширишдан қутилаётган натижаларга эришишга йўналтирилганлиги;

эришиш мумкинлиги — самарадорлик кўрсаткичларининг мавжуд ресурс ва ваколатларга мувофиқлиги;

ўлчанадиган бўлиши — самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражасини баҳолаш учун муайян шартли бирликларда ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланиш.

10. Самарадорлик кўрсаткичларининг ҳар бири учун битта ўлчов бирлигидан фойдаланилади.

11. Самарадорлик кўрсаткичларининг вазни уларнинг муҳимлиги, мураккаблиги ва уларни бажариш учун сарфланадиган вақтдан келиб чиқиб белгиланади.

Ҳар бир баҳоланувчи раҳбар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг чорак учун умумий вазни 100 га тенг бўлади.

12. Самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози келгуси йил учун чораклар кесимида қоида тариқасида, прогрессив кўрсаткичлар учун ўсиб боровчи ҳамда регрессив кўрсаткичлар учун пасайиб боровчи яқун билан белгиланади. Бунда самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, барча чораклар учун белгиланмаслиги мумкин.

Самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда топшириқларида белгиланган кўрсаткичлардан паст бўлмаган даражада белгиланади. Бунда самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда топшириқлари қабул қилинганда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан самарадорлик кўрсаткичларининг прогнозига бир ҳафта муддатда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

13. Самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумот

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(кейинги ўринларда — маълумот) автоматик тарзда ёки тасдиқлаш орқали шакллантирилади.

Баҳоланувчи раҳбар самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотини автоматик тарзда шакллантириш манбаини ёки маълумотни тасдиқлаш учун намунавий шакл лойиҳасига масъул давлат органи ёки Вазирлар Маҳкамасининг бўлинмасини (кейинги ўринларда — масъул) киритади.

14. Самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича «йўл харитаси» ҳар бир кўрсаткич кесимида ушбу Низомга 3-иловадаги шаклга мувофиқ ишлаб чиқилади.

15. Самарадорлик кўрсаткичларини ҳудудларда амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастури ҳар бир кўрсаткич кесимида ушбу Низомга 4-иловадаги* шаклга мувофиқ ишлаб чиқилади.

16. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари намунавий шаклга мувофиқ баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг кейинги йил учун самарадорлик кўрсаткичларини, уларга эришиш бўйича «йўл харитаси»ни ҳамда уни ҳудудларда амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, 15 декабрга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритади.

Бунда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари, «йўл хариталари» ва чора-тадбирлар дастури кузатув кенгашлари томонидан маъқулланганидан сўнг тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритади.

17. Вазирлар Маҳкамаси самарадорлик кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги, вазни, прогнози ва масъул ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, «йўл харитаси» ва чора-тадбирлар дастурини 15 январга қадар тасдиқлайди.

18. Тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан 25 январга қадар платформага киритилади.

19. Тасдиқланган «йўл харитаси» ва чора-тадбирлар дастури фаолияти баҳоланадиган раҳбар томонидан 25 январга қадар платформага киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими платформага киритилган «йўл харитаси» ва чора-тадбирлар дастурини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «йўл харитаси» ва чора-тадбирлар дастурига мувофиқлиги юзасидан текширади.

20. Платформадаги ва қоғозда тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари ўртасида тафовут бўлган тақдирда, платформадаги самарадорлик кўрсаткичлари қўлланилади.

21. Баҳоланувчи раҳбар бошқа ишга ўтган ёки лавозими вакант бўлган тақдирда, ушбу раҳбарнинг самарадорлик кўрсаткичларини сифатли ишлаб чиқиш ва уларга эришиш бўйича масъулияти, жавобгарлиги ва функциялари унинг ўрнига лавозимга тайинланган ёки зиммасига тегишли функциялар юкланган шахс томонидан амалга оширилади.

Бунда зиммасига тегишли функциялар юкланган шахс фаолиятининг самарадорлиги вакант бўлган лавозимнинг самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланмайди.

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3-боб. Баҳоланувчи раҳбар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг «йўл харитаси» ва чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

22. Платформада тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари, «йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори асосида киритилади.

23. Тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари, «йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидаги тартибда киритилади:

а) Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими самарадорлик кўрсаткичлари, «йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига хат киритади:

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори (PDF шаклида илова қилинади);
ташкilotнинг номи;

баҳоланувчи раҳбар Ф.И.О. ва лавозими;

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган самарадорлик кўрсаткичлари, «йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастури ҳақида маълумот (прогнози, маълумоти, ҳисобот даври);

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг хатига асосан платформага ўзгартириш ва қўшимчалар беш иш куни ичида киритилади.

4-боб. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотларини киритиш ва баҳолаш

24. Самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари баҳоланувчи раҳбар томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасига қадар платформага киритилади, натижаси автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари бундан мустасно.

25. Платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари масъул томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасига қадар тасдиқланади.

26. Баҳоланувчи раҳбар томонидан самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари платформага нотўғри киритилган тақдирда, тегишли баҳоланувчи раҳбарга интизомий жазо қўллаш масаласи Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида кўриб чиқилган ҳолда, масъул томонидан тегишли тузатиш киритилади.

27. Натижаси автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари тегишли ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали платформада ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасига қадар шакллантирилади.

28. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари рейтинги платформада ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасида шакллантирилади.

29. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлиги ҳар чорак ва йил якуни бўйича баҳоланади.

30. Самарадорлик кўрсаткичларининг чорак якуни бўйича натижаси қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

(1) $\text{КЭД} = (\text{КИ} / \text{КП}) * 100$ прогрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун;

(2) $\text{КЭД} = 100 + (100 - \text{КИ} / \text{КП} * 100)$ регрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун.

Бунда:

КЭД — самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси;

КИ — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси таъминланганлиги натижаси;

КП — самарадорлик кўрсаткичлари прогнози;

б) чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичлари натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{КОБ} = \text{КЭД} * \text{ЧВ}$$

Бунда:

КОБ — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси бўйича олинган балл;

ЧВ — самарадорлик кўрсаткичларининг чораклик вазни;

в) чорак якуни бўйича фаолият самарадорлиги натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ФСН} = \text{КОБ}_1 + \text{КОБ}_2 + \dots,$$

Бунда:

ФСН — фаолият самарадорлиги натижаси.

31. Самарадорлик кўрсаткичларининг йил якуни бўйича натижаси қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

(1) $\text{КЭД} = (\text{КЙИ} / \text{КП}) * 100$ прогрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун;

(2) $\text{КЭД} = 100 + (100 - \text{КЙИ} / \text{КП} * 100)$ регрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун.

Бунда:

КЭД — самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси;

КЙИ — самарадорлик кўрсаткичлари йиллик ижроси таъминланганлиги натижаси;

КП — самарадорлик кўрсаткичлари прогнози;

б) самарадорлик кўрсаткичлари ижросининг йиллик таъминланганлиги натижаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

(1) $\text{КЙИ} = \text{КИ}_1 + \text{КИ}_2 + \text{КИ}_3 + \text{КИ}_4$ самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари даврий шаклда киритилган ҳолатда;

(2) **КЙИ = КИ** охирги чорак натижаси самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари ўсувчи шаклда киритилган ҳолатда;

(3) **КЙИ = (КИ₁ + КИ₂ + КИ₃ + КИ₄) / 4** самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари ўртача шаклда киритилган ҳолатда.

Бунда:

КИ₁ — самарадорлик кўрсаткичларининг чораклик маълумоти;

КИ охирги чорак натижаси — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси киритилган охирги чоракдаги маълумоти;

в) йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичлари натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{КОБ = КЭД * ЙВ}$$

Бунда:

КОБ — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси бўйича олинган балл;

ЙВ — самарадорлик кўрсаткичининг йиллик вазни;

г) самарадорлик кўрсаткичларининг йиллик вазни қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{ЙВ = (ЧВ_1 + ЧВ_2 + ЧВ_3 + ЧВ_4) / 4}$$

д) йил якуни бўйича фаолият самарадорлиги натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\mathbf{ФСЙН = КОБ_1 + КОБ_2 + \dots,}$$

Бунда:

ФСЙН — фаолият самарадорлиги йиллик натижаси.

32. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлиги натижаси:

70 баллдан кам бўлганда — «қониқарсиз»;

70 баллдан 85 баллгача — «қониқарли»;

85 баллдан 100 баллгача — «яхши»;

100 балл ва ундан юқори бўлганда — «аъло» деб баҳоланади.

33. Баҳоланувчи раҳбарни рағбатлантириш тўловлари миқдори унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш натижаларидан келиб чиқиб келгуси чорак учун белгиланади.

Рағбатлантириш тўловларининг турлари ва уларни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчиликни инобатга олган ҳолда белгиланади.

34. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлиги натижалари «қониқарсиз» деб баҳоланганда:

чорак якуни бўйича устамалар тўлаш тўхтатилади ва интизомий жавобгарлик қўллаш;

йил якуни билан лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

Самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилмаслиги Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида асосланган сабаблар келтирилган ҳоллар бундан мустасно.

35. Баҳоланувчи раҳбар томонидан «йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастури ижроси бўйича маълумотларни, шу жумладан, ҳисоботлар ва асословчи ҳужжатларни белгиланган муддатларга қадар платформага киритади.

36. «Йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастури ижроси натижаси платформада баҳоланувчи раҳбар томонидан киритилган маълумотлар асосида автоматик тарзда ҳисобланади.

5-боб. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлигини баҳолашни аудитдан ўтказиш ва мониторинг қилиш

37. Самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот, шунингдек, «йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастури ва уларнинг ижроси юзасидан маълумотлар ўз вақтида ва сифатли киритилиши ҳамда тасдиқланиши танланма тартибда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан мониторинг қилинади ҳамда хато ва камчиликлар аниқланганда, Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритилади.

38. Самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумот, шунингдек, «йўл харитаси» ҳамда чора-тадбирлар дастурининг ижроси юзасидан маълумотларнинг ҳаққонийлиги танланма тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли ташкилот вакиллари жалб қилган ҳолда текширилади.

6-боб. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва масъул давлат органларининг жавобгарлиги

39. Қуйидагилар:

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарлари — ўзлари масъул бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши ҳамда маълумотларни тўғри ва ўз вақтида платформага киритилишини таъминлашга;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг ўринбосарлари — ўзларининг самарадорлик кўрсаткичларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишга ҳамда уларга эришишга, шунингдек, эришилганлиги ҳақидаги маълумотларни тўғри ва ўз вақтида платформага киритишга;

масъул — самарадорлик кўрсаткичларини ўз вақтида тасдиқлаш ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.

7-боб. Платформадан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил қилиш ва баҳоланувчи раҳбар тўғрисидаги маълумотларни бошқариш

40. Платформадан фойдаланиш техник жиҳатдан Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор «UZINFOCOM» МЧЖ (кейинги ўринларда — Оператор) томонидан ташкил этилади.

41. Оператор:

платформанинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди ва уни доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

республика ижро этувчи ҳокимият органларига платформадан фойдаланиш жараёнида техник ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

платформанинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан платформадан фойдаланиш жараёнида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг таклифларига асосан платформани такомиллаштиради ва модернизация қилади.

42. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг платформага уланиш бўйича сўрови Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига келиб тушганидан сўнг уч кун муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг кабинети яратилади ҳамда ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ муддатларда соланади.

43. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хўжалик бирлашмаларининг кабинетидида баҳоланувчи раҳбар ҳақидаги маълумотлар «hrm.argos.uz» электрон платформаси орқали интеграция қилиш орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

«[Hrm.argos.uz](http://hrm.argos.uz)» электрон платформасига уланиш ва юритиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 22 сентябрдаги 492-сон қарори билан тартибга солинади.

44. «[Hrm.argos.uz](http://hrm.argos.uz)» электрон платформаси орқали шакллантирилган маълумотларга қўшимча киритиш, уларни таҳрир қилиш ва тўлдириш тегишли республика ижро этувчи ҳокимият органларининг инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

45. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил 31 июлдаги 463-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари
ўринбосарларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик
кўрсаткичлари асосида баҳолаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбар ўринбосарларининг фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — самарадорлик кўрсаткичлари) асосида баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларининг ўринбосарларига нисбатан татбиқ этилади.

3. Самарадорлик кўрсаткичлари ҳар йил учун чорақлар кесимида республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда ҳудудлар кесимидаги чора-тадбирлар дастури асосида ишлаб чиқирилиб, тасдиқланади ҳамда унинг ижроси ҳар чорак ва йил якуни бўйича баҳоланади.

4. Самарадорлик кўрсаткичларида «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш доирасида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юкланган вазифалар ҳамда топшириқлар, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг асосий вазифалари ва мақсадлари акс эттирилади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ўринбосарларининг (кейинги ўринларда — баҳоланувчи раҳбар) самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича «йўл хариталари» ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича иш режалари ишлаб чиқилади.

6. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва уларни баҳолаш ушбу Низомга 1 ва 1а-иловалардаги* схемага асосан «Samaradorlik.uz» электрон платформаси (кейинги ўринларда — платформа) орқали амалга оширилади.

**2-боб. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг
раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик
кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш**

7. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбари ўринбосар-

* 1-1а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларининг намунавий шакли ушбу Низомга 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ белгиланади.

8. Ҳар бир маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари сони қоида тариқасида, 5 тадан 10 тагача бўлади.

9. Самарадорлик кўрсаткичлари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

аниқ бўлиши — эришиш кўзланаётган самарадорлик кўрсаткичларининг аниқ белгиланиши;

вақт чегарасининг мавжудлиги — эришиш кўзланаётган натижаларга эришишнинг аниқ муддатлари белгиланиши;

компетентлиги — самарадорлик кўрсаткичлари баҳоланувчи раҳбарнинг вазифа ва жавобгарлиги доирасида бўлиши;

мақсадлилиги — самарадорлик кўрсаткичлари республика ижро этувчи ҳокимият органининг асосий вазифаларини амалга оширишдан қутилаётган натижаларга эришишга йўналтирилганлиги;

эришиш мумкинлиги — самарадорлик кўрсаткичларининг мавжуд ресурс ва ваколатларга мувофиқлиги;

ўлчанадиган бўлиши — самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражасини баҳолаш учун муайян шартли бирликларда ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлардан фойдаланиш.

10. Самарадорлик кўрсаткичларининг ҳар бири учун битта ўлчов бирлигидан фойдаланилади.

11. Самарадорлик кўрсаткичларининг вазни уларнинг муҳимлиги, мураккаблиги ва уларни бажариш учун сарфланадиган вақтдан келиб чиқиб белгиланади.

Ҳар бир маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органи раҳбари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг чорак учун умумий вазни 100 га тенг бўлади.

12. Самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози келгуси йил учун чораклар кесимида қоида тариқасида, прогрессив кўрсаткичлар учун ўсиб боровчи ҳамда регрессив кўрсаткичлар учун пасайиб боровчи яқун билан белгиланади. Бунда самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, барча чораклар учун белгиланмаслиги мумкин.

Самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда топшириқларида белгиланган кўрсаткичлардан паст бўлмаган даражада белгиланади. Бунда самарадорлик кўрсаткичларининг прогнози тасдиқлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда топшириқлари қабул қилинганда, Вазирлар Маҳкамаси ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан самарадорлик кўрсаткичларининг прогнозига бир ҳафта муддатда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

13. Самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисидаги маълумот

* 2-2а-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

(кейинги ўринларда — маълумот) автоматик тарзда ёки тасдиқлаш орқали шакллантирилади.

Баҳоланувчи раҳбар самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотини автоматик тарзда шакллантириш манбаини ёки маълумотни тасдиқлаш учун намунавий шакл лойиҳасига масъул давлат органи ёки Вазирлар Маҳкамасининг бўлинмасини (кейинги ўринларда — масъул) киритади.

14. Баҳоланувчи раҳбар намунавий шаклга мувофиқ ўз фаолиятининг кейинги йил учун самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, 25 январга қадар Вазирлар Маҳкамасига киритади.

15. Вазирлар Маҳкамаси баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари, уларнинг ўлчов бирлиги, вазни, прогнози ва масъул ҳақидаги маълумотларни 15 февралга қадар тасдиқлайди.

16. Тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари томонидан 25 февралга қадар платформага киритилади.

17. Баҳоланувчи раҳбар ўз фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича «йўл харитаси»ни ҳар бир кўрсаткич кесимида ушбу Низомга 3-иловадаги* шаклга мувофиқ ишлаб чиқиб, 25 февралга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига киритади.

«Йўл харитаси»даги тадбирлар қоида тариқасида, туман (шаҳар) кесимида баён этилади.

18. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича «йўл харитаси»ни 1 мартга қадар тасдиқлайди.

19. Баҳоланувчи раҳбар томонидан ўз фаолиятининг тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича «йўл харитаси» 5 мартга қадар платформага киритилади.

20. Самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотини тасдиқлашга масъул давлат органларининг ҳудудий бошқармалари баҳоланувчи раҳбарнинг тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бўйича таклифларни 5 февралга қадар тегишли баҳоланувчи раҳбарларга киритади.

21. Баҳоланувчи раҳбар намунавий шаклга мувофиқ туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиб, 18 февралга қадар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари билан келишади.

Бунда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларининг умумий вазни ҳар бир чорак учун 100 га тенглиги, йиллик ва чораклардаги прогнозлар ўзаро мувофиқлиги, маълумотни тасдиқлашга масъул давлат органи сифатида ўзи ёки ўзига бўйсунувчи ташкилотлар белгиланмаганлигини кўриб чиқади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

22. Баҳоланувчи раҳбар Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари билан келишилган туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларини 20 февралга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоқимларига киритади.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳоқимлари туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари, уларнинг ўлчов бирлиги, вазни, прогнози ва масъул ҳақидаги маълумотларни 25 февралга қадар тасдиқлайди.

24. Туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосарлари томонидан ўз фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари 1 мартга қадар платформага киритилади.

25. Платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичлари Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиаллари томонидан 10 мартга қадар тасдиқланади.

26. Туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича иш режалари ҳар бир кўрсаткич кесимида ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ ишлаб чиқилади.

Иш режаларидаги тадбирлар қоида тариқасида, маҳаллалар кесимида баён этилади.

27. Иш режалари кейинги ой учун платформада туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосарлари томонидан ҳар ойнинг 1-санасига қадар ишлаб чиқилади ҳамда туман (шаҳар) ҳоқими томонидан ҳар ойнинг 5-санасига қадар тасдиқланади.

Туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари тасдиқлангунга қадар иш режалари қоида тариқасида, олдинги ҳисобот даври учун тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари кесимида ишлаб чиқилади.

Туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосари лавозими вақант бўлган ёки ушбу лавозимга янги ҳоқим ўринбосари тайинланган ой учун иш режалари ишлаб чиқилмайди.

28. Туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига эришиш бўйича иш режалари сифатли ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши баҳоланувчи раҳбар томонидан мувофиқлаштирилади.

29. Платформадаги ва қоғозда тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари ўртасида тафовут бўлган тақдирда, платформадаги самарадорлик кўрсаткичлари қўлланилади.

30. Маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари раҳбарларининг ўринбосарлари бошқа ишга ўтган ёки лавозим вақант бўлган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари раҳбарлари ўринбосарларининг самарадорлик кўрсаткичлари, «йўл харитаси» ва иш режаларини сифатли ишлаб чиқиш ҳамда уларга эришиш бўйича масъулияти, жавобгарлиги ва функциялари уларнинг ўрнига лавозимга тайинланган ёки зиммасига тегишли функциялар юкланган шахс томонидан амалга оширилади.

Бунда зиммасига тегишли функциялар юкланган шахс фаолиятининг са-

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

марадорлиги вақант бўлган лавозимнинг самарадорлик кўрсаткичлари асосида баҳоланмайди.

3-боб. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари, «йўл харитаси» ва иш режаларига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш

31. Платформада тасдиқланган баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларига ўзгартириш ва қўшимчалар Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори асосида киритилади.

32. Баҳоланувчи раҳбар фаолиятининг тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичларига ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидаги тартибда киритилади:

а) Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими самарадорлик кўрсаткичларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига хат киритади:

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори (PDF шаклида илова қилинади);
ташкilotнинг номи;

баҳоланувчи раҳбар Ф.И.О. ва лавозими;

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида маълумот (прогнози, маълумоти, ҳисобот даври);

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг хатига асосан платформага ўзгартириш ва қўшимчалар беш иш куни ичида киритилади.

33. Платформада тасдиқланган «йўл харитаси» ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари ва иш режаларига Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

34. «Йўл харитаси» ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг тасдиқланган самарадорлик кўрсаткичлари ва иш режаларига ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидаги тартибда киритилади:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тегишлича Ахборот-таҳлил бошқармаси ҳамда ахборот-таҳлил гуруҳларининг масъул ходими самарадорлик кўрсаткичларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан қуйидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиалларига хат киритади:

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қарорлари (PDF шаклида илова қилинади);

баҳоланувчи раҳбар Ф.И.О. ва лавозими;

ўзгартириш ва қўшимчалар киритиладиган самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида маълумот (прогнози, маълумоти, ҳисобот даври);

б) Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий филиалла-

ри томонидан Вазирлар Маҳкамаси Раёсати қарори ёки Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг хатига асосан платформага ўзгартириш ва қўшимчалар беш иш куни ичида киритилади.

4-боб. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ўринбосарлари фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотларини киритиш ва баҳолаш

35. Баҳоланувчи раҳбар фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари ўзлари томонидан ҳамда туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари масъул давлат органларининг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасига қадар платформага киритилади, маълумот автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичлари бундан мустасно.

36. Платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари масъул томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасига қадар тасдиқланади.

37. Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари фаолияти самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотларини тасдиқлашга масъулларнинг республика даражасидаги юқори турувчи ташкилоти мавжуд бўлмаган тақдирда, платформага киритилган самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тегишлича Ахборот-таҳлил бошқармаси ҳамда ахборот-таҳлил гуруҳлари томонидан тасдиқланади.

38. Баҳоланувчи раҳбар ёки масъул давлат органларининг ҳудудий бошқармалари томонидан самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари платформага нотўғри киритилган тақдирда, тегишли ташкилот раҳбар ходимига интизомий жазо қўллаш масаласи кўриб чиқилган ҳолда, масъул томонидан тегишли тузатиш киритилади.

39. Натижаси автоматик тарзда шакллантириладиган самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари тегишли ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали платформада ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасига қадар шакллантирилади.

40. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш натижалари рейтингги платформада ҳисобот давридан кейинги ойнинг 30-санасида шаклланади.

41. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги ҳар чорак ва йил якуни бўйича баҳоланади.

42. Самарадорлик кўрсаткичларининг чорак якуни бўйича натижаси қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

(1) $KЭД = (KI / KP) * 100$ прогрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун;

(2) $\text{КЭД} = 100 + (100 - \text{КИ} / \text{КП} * 100)$ регрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун.

Бунда:

КЭД — самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси;

КИ — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси таъминланганлиги натижаси;

КП — самарадорлик кўрсаткичлари прогнози;

б) чорак якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичлари натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{КОБ} = \text{КЭД} * \text{ЧВ}$$

Бунда:

КОБ — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси бўйича олинган балл;

ЧВ — самарадорлик кўрсаткичларининг чораклик вазни;

в) чорак якуни бўйича фаолият самарадорлиги натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ФСН} = \text{КОБ}_1 + \text{КОБ}_2 + \dots,$$

Бунда:

ФСН — фаолият самарадорлиги натижаси.

43. Самарадорлик кўрсаткичларининг йил якуни бўйича натижаси қуйидаги тартибда ҳисобланади:

а) самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

(1) $\text{КЭД} = (\text{КЙИ} / \text{КП}) * 100$ прогрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун;

(2) $\text{КЭД} = 100 + (100 - \text{КЙИ} / \text{КП} * 100)$ регрессив тоифадаги самарадорлик кўрсаткичлари учун.

Бунда:

КЭД — самарадорлик кўрсаткичларига эришиш даражаси;

КЙИ — самарадорлик кўрсаткичлари йиллик ижроси таъминланганлиги натижаси;

КП — самарадорлик кўрсаткичлари прогнози;

б) самарадорлик кўрсаткичлари ижросининг йиллик таъминланганлиги натижаси қуйидаги формулалар асосида ҳисоблаб чиқилади:

(1) $\text{КЙИ} = \text{КИ}_1 + \text{КИ}_2 + \text{КИ}_3 + \text{КИ}_4$ самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари даврий шаклда киритилган ҳолатда;

(2) $\text{КЙИ} = \text{КИ}_{\text{охирги чорак натижаси}}$ самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари ўсувчи шаклда киритилган ҳолатда;

(3) $\text{КЙИ} = (\text{КИ}_1 + \text{КИ}_2 + \text{КИ}_3 + \text{КИ}_4) / 4$ самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотлари ўртача шаклда киритилган ҳолатда.

Бунда:

КИ_1 — самарадорлик кўрсаткичларининг чораклик маълумоти;

$\text{КИ}_{\text{охирги чорак натижаси}}$ — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси киритилган охириги чоракдаги маълумоти;

в) йил якуни бўйича самарадорлик кўрсаткичлари натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{КОБ} = \text{КЭД} * \text{ЙВ}$$

Бунда:

КОБ — самарадорлик кўрсаткичлари ижроси бўйича олинган балл;

ЙВ — самарадорлик кўрсаткичининг йиллик вазни;

г) самарадорлик кўрсаткичларининг йиллик вазни қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ЙВ} = (\text{ЧВ}_1 + \text{ЧВ}_2 + \text{ЧВ}_3 + \text{ЧВ}_4) / 4$$

д) йил якуни бўйича фаолият самарадорлиги натижаси қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{ФСЙН} = \text{КОБ}_1 + \text{КОБ}_2 + \dots,$$

Бунда:

ФСЙН — фаолият самарадорлиги йиллик натижаси.

44. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги натижаси:

70 баллдан кам бўлганда — «қониқарсиз»;

70 баллдан 85 баллгача — «қониқарли»;

85 баллдан 100 баллгача — «яхши»;

100 балл ва ундан юқори бўлганда — «аъло» деб баҳоланади.

45. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги натижалари «аъло» ва «яхши» деб баҳоланганда уларга келгуси чорак учун рағбатлантириш тўловлари белгиланади.

Рағбатлантириш тўловларининг турлари ва уларни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади.

46. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги натижалари «қониқарли» деб баҳоланганда, чорак якуни бўйича устамалар тўлаш тўхтатилади.

47. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлиги натижалари «қониқарсиз» деб баҳоланганда:

чорак якуни бўйича устамалар тўлаш тўхтатилади ва интизомий жавобгарлик қўллаш;

йил якуни билан лавозимига лойиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

Бундан самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилмаслиги Вазирлар Маҳкамаси Раёсатида асослантирилган сабаблар келтирилган ҳоллар мустасно.

48. Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари томонидан ўз фаолиятининг ойлик иш режалари ижроси бўйича маълумотларни, шу жумладан, ҳисоботлар

ва асословчи ҳужжатларни ҳисобот ойнанинг якуни билан кейинги ойнанинг 1-санасига қадар платформага киритади.

49. Иш режалари ижроси бўйича платформага киритилган маълумотлар баҳоланувчи раҳбарнинг котибият мудирлари томонидан ҳисобот ойнанинг якуни билан кейинги ойнанинг 5-санасига қадар тасдиқланади.

50. Иш режасидаги тадбирлар бажарилди ва бажарилмади шаклида тасдиқланади, бунда ҳар бир тадбир фақатгина 100 фоизга амалга оширилганда бажарилган ҳисобланади.

51. Баҳоланувчи раҳбарнинг котибият мудирлари томонидан тасдиқланмаган тадбирлар ҳисобот ойнанинг якуни билан кейинги ойнанинг 5-санасида автоматик тарзда бажарилмаган деб баҳоланади.

52. Туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари фаолиятининг иш режалари ижросини баҳолаш натижалари ҳисобот ойнанинг якуни билан кейинги ойнанинг 5-санасида платформада шакллантирилади.

5-боб. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолашни аудитдан ўтказиш ва мониторинг қилиш

53. Самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот, шунингдек, «йўл харитаси» ҳамда иш режалари ва уларнинг ижроси юзасидан маълумотлар ўз вақтида ва сифатли киритилиши ҳамда тасдиқланиши танланма тартибда Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда унинг филиаллари томонидан мониторинг қилинади ҳамда хато ва камчиликлар аниқланганда Вазирлар Маҳкамасига маълумот киритилади.

54. Самарадорлик кўрсаткичларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумот, шунингдек, «йўл харитаси» ҳамда иш режаларининг ижроси юзасидан маълумотларнинг ҳаққонийлиги танланма тартибда Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тегишли ташкилот вакилларини жалб қилган ҳолда текширилади.

6-боб. Масъул давлат органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг жавобгарлиги

55. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари — ўзлари масъул бўлган тармоқ ва соҳалар бўйича ўринбосарлари кесимида самарадорлик кўрсаткичларига эришилиши ҳамда маълумотларни тўғри ва ўз вақтида платформага киритилишини таъминлашга;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари — ўзларининг самарадорлик кўрсаткичларини сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқишга ҳамда уларга эришишга;

масъул — самарадорлик кўрсаткичларини ўз вақтида тасдиқлаш ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга;

масъул давлат органларининг ҳудудий бошқармалари — самарадорлик кўрсаткичларининг маълумотларини ўз вақтида киритишга ва маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлашга;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тегишлича Ахборот-таҳлил бошқармаси ҳамда ахборот-таҳлил гуруҳлари — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари фаолиятининг самарадорлик кўрсаткичлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишига ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумот ўз вақтида платформага киритилишига шахсан масъул ва жавобгар ҳисобланади.

7-боб. Платформадан фойдаланишни техник жиҳатдан ташкил қилиш ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари тўғрисидаги маълумотларни бошқариш

56. Платформадан фойдаланиш техник жиҳатдан Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор «UZINFOCOM» МЧЖ (кейинги ўринларда — Оператор) томонидан ташкил этилади.

57. Оператор:

платформанинг сифатли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлайди ва уни доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларини кўради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига платформадан фойдаланиш жараёнида техник ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

платформанинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан платформадан фойдаланиш жараёнида келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг таклифларига асосан платформани такомиллаштиради ва модернизация қилади.

58. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг платформага уланиш бўйича сўрови Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига келиб тушганидан сўнг уч кун муддатда республика ижро этувчи ҳокимият органларининг кабинети яратилади ҳамда ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ муддатларда солинади.

59. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг кабинетидан маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбарлари ўринбосарлари ҳақидаги маълумотлар «hgm.argos.uz» электрон платформаси орқали интеграция қилиш орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

«[Hgm.argos.uz](http://hgm.argos.uz)» электрон платформасига уланиш ва юритиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида инсон ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 22 сентябрдаги 492-сон қарори билан тартибга солинади.

60. «Htm.argos.uz» электрон платформаси орқали шакллантирилган маълумотларга қўшимча киритиш, уларни таҳрир қилиш ва тўлдириш тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий-кадрлар гуруҳи томонидан амалга оширилади.

8-боб. Яқунловчи қоидалар

61. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****267** **Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3538*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2024 йил 14 июнь,
143-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 31 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
14 июндаги 143-сон буйруғига
1-ИЛОВА

Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда ҳужжатлар айланишини амалга ошириш бўйича ягона тартибни белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомнинг амал қилиши банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахсларга (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) нисбатан татбиқ қилинади.

2. Ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган барча хўжалик операциялари тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши лозим. Ушбу ҳужжатлар бошланғич ҳисоб ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади ва улар асосида бухгалтерия ҳисоби юритилади.

3. Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда, бошланғич ҳужжатларни ва регистрларни, шунингдек товар-моддий захиралар, пул маблағлари ҳамда иш берувчининг ходимлари билан боғлиқ бўлган ички хўжалик операциялари бўйича қатнашчиларни идентификациялашни таъминлаган ҳолда тузилган ҳисоб ҳужжатларини ахборот тизимлари хизматлари ва ахборот технологиялари орқали юритишга йўл қўйилади. Бунда, мазкур Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши лозим.

4. Техник воситалар ҳамда ахборот тизимлари хизматлари ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда тузилган бирламчи ҳужжатлар ва регистрлар бухгалтерия ҳисобида тегишли мажбурий реквизитлар мавжуд бўлгандагина қўлланилади. Электрон ҳужжатларни сақлаш чоғида улардан эркин фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим.

5. Бухгалтерия ҳисобини автоматлаштириш шароитида бошланғич ҳужжатлар реквизитлари кодлар кўринишида қайд этилиши мумкин. Бунда электрон шаклда тузилган бошланғич ҳужжат ва регистр электрон рақамли имзо ҳақидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ унинг тўғри тузилиши учун жавобгар бўлган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши лозим.

2-боб. Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини тузиш, хатоларни тузатиш ҳамда сақлаш тартиби

6. Бошланғич ҳужжатлар қуйидаги мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим:

- а) ташкилотнинг номи;
- б) ҳужжатнинг номи ва рақами, унинг тузилган санаси ва жойи;
- в) хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва ўлчов бирликларини кўрсатган ҳолдаги миқдор ўлчови (натура ва пулда ифодаланган ҳолда);
- г) хўжалик операциясини амалга оширган шахсларнинг (шахснинг) идентификация қилиш учун зарур бўлган фамилияси ҳамда исми ва отаси исмининг бош ҳарфларини ёхуд бошқа реквизитларини кўрсатган ҳолда лавозимлари номи ва имзолари.

7. Бошланғич ҳужжатлар электрон шаклда тузилган ҳолларда, улар мазкур Низом ва электрон ҳужжат айланиши тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган мажбурий реквизитларга эга бўлиши лозим.

8. Бошланғич ҳужжатда қуйидаги қўшимча реквизитлар келтирилиши мумкин:

ташкилотнинг манзили;

ҳужжат билан қайд қилинган хўжалик операциясини амалга ошириш учун асос;

ҳужжатлаштирилаётган хўжалик операциясининг хусусиятини белгилайдиган бошқа қўшимча реквизитлар.

9. Мазкур Низом талабларига мувофиқ тузилган бошланғич ҳужжатлар амалга оширилган хўжалик операциялари ҳақидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш учун асос бўлади.

10. Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ва имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида, тўғри ва ишончли тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардир.

11. Бошланғич ҳужжатлар мазкур Низом талабларига риоя қилган ҳолда ташкилот томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бланкаларда ёки қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган бошқа шаклларда тузилади.

12. Бошланғич ҳужжатлардаги ёзувлар уларни архивда белгиланган муддатларда сақланишини таъминлайдиган сиёҳ, шарикли ручка пастаси, ёзув машиналари, механизация воситалари ва бошқа воситалар ёрдамида амалга оширилиши лозим.

Ёзувлар учун қаламдан фойдаланиш тақиқланади.

13. Бошланғич ҳужжатлар ва регистрлардаги бўш қаторлар жойи чизилиши шарт.

14. Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан тасдиқланади.

15. Касса операцияларини, товар-моддий қийматликлар билан операцияларни, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятларини амалга оширганлик фактларини қайд этувчи бошланғич ҳужжатларни тузиш тартиби бўйича қўшимча талаблар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

16. Бухгалтерияга келиб тушадиган бошланғич ҳужжатлар мажбурий

текширувдан ўтказилади. Текширув шакл бўйича (ҳужжатларни расмийлаштириш, реквизитларни тўлдиришнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги), мазмуни бўйича (ҳужжатлаштирилаётган операциянинг қонунийлиги, алоҳида кўрсаткичларнинг мантиқий боғланиши) амалга оширилади.

17. Қонунчилик ҳужжатларига ва пул маблағлари, товар-моддий захиралари ва бошқа активларни қабул қилиш, сақлаш ва сарфлаш бўйича белгиланган тартибга зид бўлган бошланғич ҳужжатлар келиб тушганда, улар ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахсларга қарор қабул қилиш учун топширилиши керак.

18. Ишловдан ўтган бошланғич ҳужжатлар уларнинг қайта қўлланилишини истисно этувчи белгига эга бўлиши лозим:

а) қўл ёрдамида ишловдан ўтказилганда — ҳисоб регистрга ёзилган санани кўрсатиш орқали;

б) техник воситалар ҳамда ахборот тизимлари хизматлари ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишловдан ўтказилганда — ишловдан ўтказиш бўйича масъул оператор штампини қўйиш орқали.

19. Кирим ва чиқим касса ордерларига илова қилинган барча ҳужжатлар ҳамда иш ҳақини ҳисоблаш учун асос бўлган ҳужжатлар албатта «Олинди» ёки «Тўланди» штампини қўйиш ёки қўл ёзувини киритиш орқали санасини (ой, кун, йил) кўрсатиш лозим.

20. Бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун ҳисобга қабул қилинган бошланғич ҳужжатлардаги ахборотлар ҳисоб регистрларида йиғиб борилади ва тизимлаштирилади.

21. Ташкилот томонидан муайян давр (ой, чорак, ярим йиллик, йил) давомида амалга оширилган ҳужжалик операциялари ҳақидаги маълумотлар гуруҳлаштирилган ҳолда ҳисоб регистрларидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда тузиладиган молиявий ҳисоботларга ўтказилади.

Бунда, ташкилотлар қўллаётган бухгалтерия ҳисоби регистрларини ўз фаолиятининг хусусиятларига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда, мустақил мослаштиришлари мумкин.

22. Бошланғич ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларидаги матн ва рақамларни ўчиришга ва изоҳ берилмаган тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди.

23. Бошланғич ҳужжатлардаги (банк ва касса пул ҳужжатларидан ташқари) хатоликлар қуйидагича тузатилади:

а) хато матн ёки суммалар чизилади ва чизилганнинг юқори қисмидан тўғри матн ёки суммалар ёзилади;

б) чизиш битта чизиқ билан амалга оширилади ва унда тузатилаётган хатони ўқиш имконияти бўлиши лозим.

24. Бошланғич ҳужжатда тузатилган хатоларга «тузатилди» ёзуви билан изоҳ берилиши, ҳужжатни имзолаган шахслар имзоси билан тасдиқланиши ҳамда тузатиш санаси қўйилиши лозим.

25. Бошланғич банк ва касса пул ҳужжатларида тузатишларга йўл қўйилмайди.

26. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган муддатлар мобайнида, бироқ ҳисобот йилидан кейин камида беш йил бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан сақланади.

Бунда:

2022 йил 1 январдан кейин ҳисобланган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги ҳужжатлар;

давлат солиқ хизмати ва статистика органларига электрон тарзда топширилган молиявий, солиқ ва статистика ҳисоботлари;

солиқ органининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали электрон шаклда расмийлаштирилган ҳужжатлар мажбурий сақланмайди ва архивга топширилмайди.

27. Бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисоботларни бут сақланиши ташкилот раҳбари томонидан таъминланиши шарт.

28. Муайян ҳисоб регистрга тегишли бўлган, ишлов берилган жорий ойнинг бошланғич ҳужжатлари хронологик тартибда жамланади.

Касса ордерлари, бўнак ҳисоботлари, банк кўчирмалари уларга тааллуқли бўлган ҳужжатлар билан биргаликда хронологик тартибда йиғилиши ва муқоваланиши керак.

Ҳужжатларнинг айрим турлари (иш нарядлари, смена рапортлари) муқоваланмасдан, лекин уларнинг йўқолиши ёки суиистеъмол қилинишининг олдини олиш мақсадида йиғмажилдларга тикилган ҳолда сақланиши мумкин.

29. Ташкилотлардан бошланғич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисоботларни олиб қўйиш қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Ҳужжатларни терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокуратура идоралари ва судлар томонидан олиб қўйишлар, мазкур идораларнинг Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда расмийлаштирилган қарорлари асосида амалга оширилади. Олиб қўйиш баённома билан расмийлаштирилади ва унинг нусхаси ташкилотнинг тегишли мансабдор шахсига имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

Олиб қўйишни амалга ошираётган идоралар вакилларининг рухсати билан ва уларнинг иштирокида ташкилотнинг тегишли мансабдор шахслари олиб қўйилаётган ҳужжатлардан асосларни ҳамда олиб қўйиш санасини кўрсатган ҳолда нусха олишлари мумкин.

Агар охиригача расмийлаштирилмаган ҳужжатлар жилдлари (тикиб қўйилмаган, рақамланмаган ва ҳоказо) олиб қўйилаётган бўлса, олиб қўйишни амалга ошираётган идоралар вакилларининг рухсати билан ва уларнинг иштирокида ташкилотнинг тегишли мансабдор шахслари бу жилдларни охиригача расмийлаштириши (улар рўйхатини тузиши, варақларни рақамлаши, тикиши, имзо билан тасдиқлаши) ёки олиб қўйилаётган ҳужжатларнинг рўйхатини ҳар бир ҳужжатдаги бетлар сонини кўрсатган ҳолда тузиши керак. Бунда, рўйхатни олиб қўйишни амалга ошираётган идораларнинг вакиллари ва ташкилотнинг тегишли мансабдор шахслари имзолашади.

30. Бошланғич ҳужжатларни йўқотиш ҳолларида ташкилот раҳбари буйруқ билан йўқотиш сабабларини текшириш бўйича комиссия тайинлаши мумкин.

Бунда, текширув натижалари ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан тасдиқланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади.

Бошланғич ҳужжатларни йўқотишда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилади.

3-боб. Қатъий ҳисобдаги бланкаларни ҳисобга олиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш тартиби

31. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда бошланғич ҳужжатлар шакли бланкалари қатъий ҳисобдаги бланкаларга киритилиши мумкин.

32. Қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг шакллари ва ишлатиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

33. Расмий давлат ҳужжатларини ҳисобга олиш, сақлаш, ҳисобдан чиқариш ва йўқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

34. Қатъий ҳисобдаги бланкалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда рақамланиши (нумератор билан, босмаҳона усулида) лозим.

35. Қатъий ҳисобдаги бланкаларни олиш, сақлаш, бериш ва ишлатиш юклатилган ташкилотнинг масъул шахслари ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тайинланади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 343-моддасида белгиланган ҳолларда ва тартибда яқка тартибдаги тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги ёзма шартнома тузилади.

Агар масъул шахс вақтинча йўқ бўлса ёки бошқа ишга ўтиб кетаётган бўлса, қатъий ҳисобдаги бланкалар масъул шахс ва ушбу вазифани бажариш юклатилаётган шахс томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича ўтказилиши керак.

36. Қатъий ҳисобдаги бланкаларни мол етказиб берувчидан қабул қилиш ташкилотнинг масъул шахси томонидан амалга оширилади.

Қатъий ҳисобдаги бланкаларни қабул қилишда бланкалар пакети масъул шахс томонидан мажбурий тартибда ўрами бузилганлик ҳолати юзасидан кўриб чиқилади, қабул қилинаётган ўрамлар миқдорининг йўлланма кузатув ҳужжатларда кўрсатилган миқдорга мувофиқлиги текширилади ва бу тўғрисида далолатнома тузилади.

37. Матбаа ташкилотидан харид қилинган (буюртма қилинган) қатъий ҳисобдаги бланкаларда камомад ёки нуқсонлар (ҳимоя сеткасининг, босма матннинг йўқлиги ёки бузилганлиги, тартиб рақамларининг такрорийлиги ёхуд бошқа сериялар ёки тартиб рақамлари бўлган, қийшайган шрифтли,

нотўғри кесилган ва нотўғри шаклли, серия ва тартиб рақамлари йўқ бўлган ёки пакетлардаги матбаа ташкилотининг ёпиштирилган наклеякалари (га бошқача тарзда номувофик бўлган бланкалар) аниқланган тақдирда уч нусхада далолатнома тузилади. Далолатноманинг биринчи нусхаси йўлланма хат билан матбаа ташкилоти наклеякаси ва нуқсонли бланкалар билан бирга матбаа ташкилотига жўнатилади, иккинчи ва учинчи нусхалар наклеяка ксеронусхаси билан бирга ташкилотда қолади. Эътирозлар қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда билдирилади.

38. Қатъий ҳисобдаги бланкалар сейфларда ёхуд ёнмайдиган жавонларда ёки ташкилотнинг махсус жиҳозланган хоналарида сақланиши керак. Қатъий ҳисобдаги бланкаларни кўп миқдорда қабул қилувчи ташкилотларда уларнинг бузилиш ёки ўғирланиш ҳолатини истисно этувчи махсус жиҳозланган омборхоналарда сақлашга йўл қўйилади.

Ташкилотда мавжуд бўлган қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг иш пайтидан ташқари вақтда сақланишини таъминлаш мақсадида сейфлар, ёнмайдиган жавонлар ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни сақлаш учун махсус жиҳозланган хоналар муҳрланади ёки пломбланади.

39. Масъул шахс қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг ҳисобини уларнинг номи, серияси ва рақами бўйича мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофик рақамланган ва тикилган «Қатъий ҳисобдаги бланкаларни ҳисобга олиш журнали»да олиб боради. Журналнинг сўнгги варағида ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар имзоси билан «Мазкур журналда... варақ рақамланган» деган ёзув киритилади. Варақлар сони ёзув билан кўрсатилади.

Қатъий ҳисобдаги бланкаларни ҳисобга олиш журнали аниқ, тушунарли ва қисқартиришларсиз тўлдирилади. Журналда ўчиришларга йўл қўйилмайди. Йўл қўйилган хатоликлар тегишли изоҳлар билан тузатилади.

40. Ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан қатъий ҳисобдаги бланкаларни топшириш, сақлаш, ишлатиш билан боғлиқ бўлган масъул шахсларга қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг сақланишини таъминловчи шароитлар яратилиши лозим.

41. Қатъий ҳисобдаги бланкалар материалларни ҳисобга олувчи ҳисоб-варақларда уларнинг номи, миқдори ва баҳолаш бўйича ҳисобга олинади.

42. Ҳисобдор шахслар қатъий ҳисобдаги бланкаларни қабул қилиш ва ишлатилиши бўйича ҳисобот бериб туради ва улар томонидан олинган ҳар бир қатъий ҳисобдаги бланканинг ишлатилиши учун жавобгардир.

43. Ҳисобдор шахсларга қатъий ҳисобдаги бланкаларни бериш масъул шахс томонидан ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахсларнинг топшириғи асосида амалга оширилади.

44. Ҳисобдор шахсларга берилган қатъий ҳисобдаги бланкаларни назорат қилиш мақсадида ташкилот томонидан мазкур Низомнинг 2-иловасидаги* шакл бўйича олиш-назорат қилиш варақлари юритилиши мумкин.

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, олиш-назорат қилиш варақлари икки нусхада тўлдирилади ва улардан биттаси Қатъий ҳисобдаги бланкаларни ҳисобга олиш журналига имзо чекилган ҳолда ҳисобдор шахсга, иккинчиси масъул шахс томонидан бухгалтерияга топширилади. Қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг ҳар бир номдаги тури учун алоҳида олиш-назорат қилиш варақлари очилади.

Олиш-назорат қилиш варағининг юқоридаги чап бурчагида варақ берилган сана, ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар имзоси қўйилади.

Ҳисобдор шахс олиш-назорат қилиш варағини қатъий ҳисобдаги бланкаларни тўғри ишлатилишининг назоратини амалга оширадиган шахсга тақдим этади. Аввал берилган қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг ишлатилганлигини ва бланкаларнинг кейинги туркумини бериш лозимлиги тўғрисидаги маълумотлар тўғри тўлдирилганлигини текшириб, назорат қилувчи шахс варақнинг тегишли сатрига имзо чекади.

45. Қатъий ҳисобдаги бланкаларни инвентаризация қилиш Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»да (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) белгиланган тартибда амалга оширилади.

46. Қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг йўқолиши ва камомади ҳисоби Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1334, 2004 йил 6 апрель) мувофиқ амалга оширилади.

47. Қатъий ҳисобдаги бланкаларда ўчиришлар ва тузатишлар аниқланган ҳолларда, шунингдек қатъий ҳисобдаги бланкаларни тўлдирилиши ва ишлатилиши бўйича белгиланган тартибнинг бошқа бузилиш ҳолатлари аниқланганда, масъул шахсга нисбатан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

48. Қатъий ҳисобдаги бланкалар материалларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлардан харажатларни ҳисобга олувчи ҳисобварақларга уларни ҳисобдор шахсларга берилишига қараб ҳисобдан чиқариб борилади ва балансдан ташқари «Қатъий ҳисобдаги бланкалар» ҳисобварағига қабул қилинади.

Қатъий ҳисобдаги бланкалар балансдан ташқари «Қатъий ҳисобдаги бланкалар» ҳисобварағидан ҳисобдор шахсларнинг олинган ва ишлатилган қатъий ҳисобдаги бланкалар учун ҳисобот беришига қараб ҳисобдан чиқариб борилади.

Қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг балансдан ташқари ҳисоби уларнинг мавқеи (қадр-қиммати), миқдори ва номинал бўйича уларнинг умумий ҳисоб суммаси бўйича юритилади. Қатъий ҳисобдаги бланкаларнинг мавқеи мавжуд бўлмаганда, улар ҳақиқий харид қиймати бўйича ҳисобга олинади.

49. Нуқсонли, тўлдиришда бузилган, эскирган, шикастланган, шунингдек алмаштирилган қатъий ҳисобдаги бланкалар ташкилот бухгалтериясига топширилади ва бу ҳақда тегишли далолатнома тузилади.

50. Нуқсонли, тўлдиришда бузилган, эскирган, шикастланган, шунингдек алмаштирилган қатъий ҳисобдаги бланкаларни йўқ қилиш махсус тайинланган комиссия томонидан зарурат туғилган ҳолларда, лекин йилда камида бир

маротаба амалга оширилади ва йўқ қилинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади.

Касса ҳисоботиغا (қайдномага, реестрга) илова қилинадиган бузилган ёки нотўғри тўлдирилган бланкалар йўқ қилинмайди, балки устига бир неча бор чизиб қўйилади ва улар ёзилган куннинг ўзидаги касса ҳисоботиغا (қайдномага, реестрга) илова қилинади.

51. Қатъий ҳисобдаги бланкаларни белгиланган муддат мобайнида сақлаш бўйича жавобгарлик ташкилот раҳбарига ёки у қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тайинлаган шахсларга юкланади.

4-боб. Ҳужжатлар айланишини ташкил этиш тартиби

52. Ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларнинг ҳаракати (уларни тузиш ёки бошқа ташкилотлардан олиш, ҳисобга қабул қилиш, ишлов бериш, архивга топшириш — ҳужжатлар айланиши) график билан тартибга солинади.

53. Ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар ҳужжатлар айланиши графигини тузиш бўйича ишни ташкил этадилар. Ҳужжатлар айланиши графиги ташкилот раҳбарининг буйруғи билан тасдиқланади.

54. График ташкилотда оқилона ҳужжатлар айланишини таъминлаши зарур, яъни ҳар бир бошланғич ҳужжатнинг ҳаракати бўйича ижро этувчиларнинг мақбул сонини назарда тутиши, ҳужжатнинг бўлинмада энг кам муддатда бўлишини белгилаши лозим.

Ҳужжатлар айланиши графиги ташкилотда барча ҳисоб ишининг яхшиланишига, бухгалтерия ҳисобининг назорат қилиш функциясининг кучайишига ёрдам бериши керак.

55. Ҳужжатлар айланиши графиги ташкилотнинг ҳар бир бўлинмаси, шунингдек барча ижро этувчилар томонидан уларнинг ўзаро боғлиқлигини ва ишларни бажариш муддатларини кўрсатган ҳолда ҳужжатларни тузиш, текшириш ва уларга ишлов бериш бўйича бажариладиган ишларнинг схемаси ёки рўйхати кўринишида расмийлаштирилади.

Мазкур Низомнинг 3-илоvasида* ишлар рўйхати кўринишидаги намунавий ҳужжатлар айланиши графиги келтирилган.

56. Ташкилот ходимлари ўзларининг фаолият соҳасига тааллуқли бўлган ҳужжатларни ҳужжатлар айланиши графиги бўйича тузади ва тақдим этади. Бунинг учун ҳар бир ижрочига графикдан кўчирма берилади. Кўчирмада ижрочининг фаолият соҳасига тегишли ҳужжатлар, уларни тақдим этиш муддатлари ва ушбу ҳужжатлар тақдим этиладиган ташкилот бўлинмалари кўрсатилади.

57. Ҳужжатлар айланиши графигига риоя қилиш бўйича жавобгарлик, шунингдек ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли тузиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттириш учун уларни ўз вақтида тақдим этиш, ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишончилиги бўйича жавобгарлик ушбу ҳужжатларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

58. Ташкилот бўйича ижрочиларнинг ҳужжатлар айланиши графигига риоя қилишини назорат қилиш ташкилот раҳбари ёки у томонидан қонунчилик ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
14 июндаги 143-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1297, 2004 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 1-2-сон, 24-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 29 майдаги 53-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1297-1, 2013 йил 7 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 23-сон, 311-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 28 сентябрдаги 76-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1297-2, 2016 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 41-сон, 483-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 27 июндаги 87-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги буйруғи (рўйхат рақами 1297-3, 2017 йил 3 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 27-сон, 625-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 29-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1297-4, 2019 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил, 11-сон, 210-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 5 августдаги 36-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1297-5, 2020 йил 20 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2020 йил, 33-сон, 389-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 6 мартдаги 3-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1297-6, 2023 йил 27 март) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.03.2023 й., 10/23/1297-6/0174-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

268 Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида-
ги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-8*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғи (рўйхат рақами 2169, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 502-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 26 июнь,
149-сон

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
26 июндаги 149-сон буйруғига
ИЛОВА

**Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд ва 114-банднинг биринчи хатбошисидаги «Вазирликлар, қўмиталар ва идоралар» деган сўзлар «Вазирликлар ва идоралар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 21-банднинг биринчи хатбошисидаги «вазирликлар, қўмиталар ва идораларда» ва «вазирлик, қўмита ва идоранинг» деган сўзлар тегишли равишда «вазирликлар ва идораларда» ва «вазирлик ва идоранинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 57-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Ташкилотлар бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикаси бюд-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 31 июлда эълон қилинган.

жет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счётлар режаси»га (рўйхат рақами 3078, 2018 йил 20 октябрь) мувофиқ юритадилар.».

4. III бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«III бўлим. Номолиявий активлар ва асосий воситалар ҳисоби».

5. 1-бобнинг 1-параграфи номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1-§. Номолиявий активлар ва асосий воситалар».

6. 59-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. «01 «Асосий воситалар» счёти» чиқариб ташлансин.

8. 60, 61, 63-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 64-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

10. 66 — 77-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

11. 82-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«82. Асосий воситаларнинг бутлиги устидан назоратни йўлга қўйиш ва уларнинг ҳисобини ташкил этиш учун ҳар бир объект (предмет)га, кутубхона фондларидан ташқари, ўн тўрт белгидан иборат инвентар рақами берилади.

Бунда, дастлабки олти белги субсчётни билдиради, еттинчи ва саккизинчи белги — асосий воситалар йиллик эскириш меъёрларининг гуруҳлари ва кичик гуруҳлари тартиб рақамини, қолган олти белги эса, предметнинг гуруҳдаги тартиб рақамини билдиради. Бунда, гуруҳнинг кичик гуруҳи мавжуд бўлмаганда «Нол» билан белгиланади.

Масалан, 221 110 11 000001 — инвентар рақамида 221 110 — «Тураржой иморатлар» субсчётини, 11 — асосий воситалар йиллик эскириш меъёрларининг гуруҳлари ва кичик гуруҳлари тартиб рақами, 000 001 — объектнинг тартиб рақамини билдиради;

221 221 50 000001 — инвентар рақамида 221 221 — «Информацион, компьютер ва телекоммуникацион жиҳозлар» субсчётини, 50 — асосий воситалар йиллик эскириш меъёрларининг гуруҳлари ва кичик гуруҳлари тартиб рақами, 000 001 — предметнинг тартиб рақамини билдиради.».

12. 87 ва 88-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. 92-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«92. АВ-6-сон шаклдаги инвентар карточка тураржой бинолари, нотураржой бинолари, иншоотлар, машина ва жиҳозлар, ҳарбий асосий воситаларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Инвентар карточкаларни юритишдан мақсад асосий воситаларнинг барча тавсифини ва улардаги ўзгаришларни акс эттиришдан иборат.».

14. 93-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«93. АВ-8-сон шакл инвентар карточка бошқа турдаги асосий воситаларни ҳисобга олиш учун хизмат қилади.».

15. 95 — 111-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

16. «02 «Асосий воситаларнинг эскириши» счёти» чиқариб ташлансин.

17. 113-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«113. Эскириш иморатлар, иншоотлар, узаткич мосламалар, машина ва жиҳозлар, иш хайвонлари ва транспорт воситалари, ишлаб чиқариш (ашёларни ҳам қўшиб) ва хўжалик инвентарлари ҳамда фойдаланиш мумкин бўлган ёшга етган кўп йиллик дарахтлар, буталар ва бошқа асосий воситалар бўйича аниқланади ва ҳисобга олинади.»

18. 116, 117, 119 ва 120-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

19. 123-бандда:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб топилсин.

20. 125 ва 126-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

21. «03 «Бошқа узоқ муддатли номолиявий активлар» счёти» чиқариб ташлансин».

22. 127 — 141-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

23. 143-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

24. 144-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«144. Ҳар йили ҳисобот йилининг охирида ерни ободонлаштириш харажатларининг 10 фоизи миқдоридаги сумма ҳақиқий харажатларни ҳисобга олувчи субсчётларнинг дебетига ҳисобдан чиқарилади.»

25. I бобнинг 3-параграфи номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3-§. Товар-моддий захиралар ҳисоби».

26. 145 — 149-бандлар, 159-банд, 161 — 165-бандлар ва 168-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

27. «05 «Тайёр маҳсулот» счёти» чиқариб ташлансин.

28. 169-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«169. Тайёр маҳсулотларининг аналитик ҳисоби номи, миқдори ва қиймати ҳамда сақланадиган жойи бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да алоҳида ҳолда юритилади.»

29. «06 «Бошқа товар-моддий захиралар» счёти» чиқариб ташлансин.

30. 170 ва 171-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

31. 172 ва 173-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«172. Қурилиш материалларининг аналитик ҳисоби материалларнинг номи, миқдори ва қиймати бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточка)сида юритилади.

173. Келиб тушган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳисоби озиқ-овқат маҳсулотлари киримга олинадиган 300-сон шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг кирими бўйича жамланма қайдномада (мазкур Йўриқноманинг 40-илоvasи) юритилади.

Қайднома ҳар бир моддий жавобгар шахс бўйича алоҳида тузилади. Қайдномага ёзувлар бошланғич ҳисоб ҳужжатлар асосида миқдор ва сумма ифодасида ёзилади. Ой тугагандан сўнг қайдномадаги рақамларнинг жами ҳисоблаб чиқилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сарфининг ҳисоби озиқ-овқат маҳсулотлари сарфи бўйича 399-сон шаклдаги жамланма қайдномада (мазкур Йўриқнома-

нинг 41-иловаси) юритилади. Бу жамланма қайднома моддий жавобгар шахслар бўйича юритилади. Унга ёзувлар 299-сон шаклдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бериш учун меню-талабнома ва бошқа хужжатлар асосида ёзилади.

Ой тугагандан кейин қайдномадаги рақамларнинг жами ҳисоблаб чиқилади, бу эса, сарфланган озиқ-овқат маҳсулотларининг қийматини аниқлашга хизмат қилади. Бир вақтнинг ўзида таълим муассасаларида таъминланадиган болалар сони билан, даволаш муассасаларида эса, беморлар ҳақидаги маълумотлар билан ва бошқа маълумотлар билан таққосланади.»

32. 176-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

33. 177-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«177. Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг ҳисоби моддий жавобгар шахслар томонидан буюмларнинг номи ва миқдори бўйича М-17-сон шаклдаги материалларнинг омбор ҳисоби дафтарида юритилади. Бу буюмларнинг омбордан берилиши 434-сон шаклдаги юк-хати (талабнома) бўйича амалга оширилади.

Буюмлар омбордан берилаётганда ташкилотнинг, бўлимнинг номи, фойдаланишга топширилган йили ва оyi кўрсатилган маркировкали штамп қўйилади. Маркировка бўёқ (ювганда ва кимёвий воситалар таъсирида ўчмайдиган бўлиши лозим) ёрдамида қилинади ёки жетон билан маҳкамланади.»

34. 179-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

35. 180-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«180. «Хўжалик ва канцелярия маҳсулотлари» ҳамда «Кийим-кечак, пойабзал ва чойшаб-филофлар» счётларининг аналитик ҳисоби предметларнинг номи, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтарида (карточкасида) юритилади.»

36. 181-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

37. 182 ва 183-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«182. Эҳтиёт қисмларнинг аналитик ҳисоби эҳтиёт қисмларнинг номи, тури, завод берган рақами, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да юритилади.

183. Бошқа товар-моддий захираларнинг аналитик ҳисоби 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да материалларнинг номи, нави, миқдори, қиймати ва моддий жавобгар шахслар бўйича юритилади.

Ёш чорва молларининг аналитик ҳисоби уларнинг тури ва ёш гуруҳига қараб, бўрдоқига боқилаётган молларнинг аналитик ҳисоби эса, фақат турларига қараб чорва молларини ҳисобга олиш дафтари (395-сон шакл)да (мазкур Йўриқноманинг 43-иловаси) олиб борилади.»

38. 184 — 186-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

39. 188-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

40. «07 «Асосий воситаларга қўйилмалар» счёти» чиқариб ташлансин.

41. 189-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

42. 190-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«190. «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчётида монтажни талаб қилувчи асбоб-ускуналарга уларнинг қисмлари йиғилганидан сўнг ва фундаментга ёки таянчга, полга, қаватлар ўртасидаги устунларга ва бошқа бино ва иншоотларнинг конструкцияларига мустаҳкамлангандан сўнг ишга тушириладиган кўтарма асбоб-ускуналар шунингдек, шу каби асбоб-ускуналарнинг эҳтиёт қисмлари киради. Бундай асбоб-ускуналар таркибига шунингдек, назорат-ўлчов аппаратлари ёки ўрнатиладиган асбоб-ускуна таркибида йиғиш-ўрнатиш учун мўлжалланган бошқа асбоблар киради.».

43. 192 — 198-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

44. 199-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«199. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни қайта баҳолаш — уларнинг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади.».

45. 200-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

46. 201-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«201. «Ўрнатиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар» субсчёти бўйича аналитик ҳисоб жиҳозлар, конструкциялар ва деталларнинг тури, миқдори ва қиймати бўйича 296-сон шаклдаги материал қимматликларнинг миқдор-қиймат ҳисоби дафтари (карточкаси)да юритилади.».

47. 202 — 205-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

48. «08 «Номоддий активларга қўйилмалар» счёти» чиқариб ташлансин.

49. 206-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

50. «09 «Бошқа номолиявий активларга қўйилмалар» счёти» чиқариб ташлансин.

51. 207 — 211-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

52. 212-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«212. Аналитик ҳисоб харажатларнинг турлари ва чиқарилаётган маҳсулотларнинг турлари бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) юритилади (мазкур Йўриқноманинг 44-илоvasи).».

53. 213-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

54. II бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«II боб. Молиявий активлар ҳисоби».

55. 214 — 216-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

56. 217-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«217. Пул маблағларини инвентаризация қилиниши қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Инвентаризация натижасида ортиқча чиққан пул маблағлари (пул эквивалентларидан ташқари) тегишли бюджет даромадига ўтказиб берилади ва ҳисобда пул маблағлари белгиланган тартибда кирим қилиниши учун Ягона счётлар режасининг тегишли субсчётлари орқали бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилади.».

57. 218 ва 219-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

58. «10 «Ҳисобварақлардаги бюджет маблағлари» счёти» чиқариб ташлансин.

59. 220-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«220. Ташкилотларнинг бюджет ҳисобварақларидаги маблағларининг ҳаракати бўйича операциялар ҳисоби 381-шаклдаги жамланма қайднома (2-мемориал ордер)да юритилади.»

60. 222 — 225-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

61. «11 «Ҳисобварақлардаги бюджетдан ташқари маблағлар» счёти» чиқариб ташлансин.

62. 226-банд ва 228 — 233-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

63. 234-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«234. Чет эл валютаси бўйича маблағларнинг синтетик ҳисоби 381-сон жамланма қайдномада (3-мемориал ордерда), аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) чет эл валютаси турлари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.»

64. 235-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

65. «12 «Касса» счёти» чиқариб ташлансин.

66. 236-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

67. 241-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«241. Кўплаб бўлинмаларга эга бўлган ташкилотларда иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари ва бошқа тўловларни тўлашга кассирлардан бошқа шахсларга ташкилот раҳбарининг ёзма буйруғи билан руҳсат берилиши мумкин. Бундай ҳолларда мазкур шахслар билан ҳам моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши шарт.

Ишончли шахсларга кассадан нақд пул берилганда уларнинг ҳисоби кассир томонидан 320-сон шаклдаги иш ҳақи, стипендия ва бошқа тўловларни бериш учун тарқатувчиларга берилган пуллари ҳисобга олиш дафтари (мазкур Йўриқноманинг 49-илоvasи) юритилади.»

68. «13 «Бошқа пул маблағлари» счёти» чиқариб ташлансин.

69. 243 ва 244-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

70. 245-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«245. «Аккредитивлар» субсчёти бўйича аналитик ҳисоб қўйилган ҳар бир аккредитив бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да юритилади.»

71. 246-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

72. 247-бандда:

иккинчи — олтинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб топилсин.

73. «14 «Молиявий қўйилмалар» счёти» чиқариб ташлансин.

74. 248-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

75. 249-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«249. Бу бобда мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан улар етказиб берган товар моддий қимматликлари, бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари учун олиб бориладиган ҳисоб-китоблар, бюджет ҳамда ижтимо-

ий суғурта тўловларига ажратмалар бўйича, касаба уюшма ташкилотлари, ҳисобдор шахслар, ходимлар, стипендия олувчилар, депонент қилинган суммалар, таълим муассасаларида болаларни сақлаганлик учун уларнинг ота-оналари, шунингдек бошқа дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби олиб борилади.

Ташкилотлар ўртасида аванс тўловларини амалга ошириш, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳисобдан чиқариш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.».

76. 251-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «05 счёта» деган сўзлар «04 счёта» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

77. 252-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, даъво қилиш муддати тугаган, бюджетдан ташқари маблағлар бўйича юзага келган депонент қилинган қарз суммалари Бюджет ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисобланган даромадлари субсчётида даромад сифатида акс эттирилади.».

78. 254-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

79. «15 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» счёти» чиқариб ташлансин.

80. 255-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«255. Бюджет ташкилотларининг дебитор қарзлари ва кредитор қарзлари субсчётлари бўйича аналитик ҳисоб бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб-китобларни алоҳида ажратган ҳолда 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да, 285-сон шаклдаги айланма қайдномада ва бошқа тегишли ҳисоб регистрларида юритилади.».

81. 256 — 258-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

82. 259-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«259. Депозит суммалар аналитик ҳисоби ҳар бир олувчи бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкаси)да олиб борилади.».

83. 260 ва 262-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

84. 264-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«264. Ота-оналар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир тарбияланувчи бўйича алоҳида ҳолда 327-сон шаклдаги таълим муассасаларида болалар сақланганлиги учун уларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган ҳисоб-китоблар қайдномасида юритилади.».

85. 265 ва 266-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

86. 267-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«267. Овқатланиш учун олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг ҳисоби 285-сон шаклдаги айланма қайдномада юритилади. Бу қайдномада ходимларнинг фамилияси ва исми кўрсатилади.».

87. 268-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

88. «16 «Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ҳисоб-китоблар» счёти» чиқариб ташлансин.

89. 270-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

90. 271 — 273-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«271. Бюджет ташкилотларининг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан дебитор ва кредитор қарзлари бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир турдаги ҳисоб-китоблар турлари бўйича 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкаси)да олиб борилади.

272. Бюджет ташкилотларининг ижтимоий солиқ бўйича дебитор ва кредитор қарзлари субсчётлари бўйича аналитик ҳисоб 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) олиб борилади.

273. Аналитик ҳисоб ҳар бир шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисовварақларига мажбурий бадалларни ўтказувчи ходимлар бўйича алоҳида ҳолда юритилади.».

91. 274 ва 275-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

92. «17 «Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар» счёти» чиқариб ташлансин.

93. 276 ва 277-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

94. 278-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«278. Ходимлар ва стипендия олувчилар билан ҳисоб-китоблар счётларининг аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтари (карточкаси)да ҳар бир айбдор шахс бўйича уларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, қарзнинг вужудга келган санаси ҳамда камомад суммаси кўрсатилган ҳолда, шунингдек бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларга ажратилган ҳолда юритилади.».

95. 279, 280, 282, 284, 290 — 294-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

96. 295-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«295. Ходимлар билан бошқа ҳисоб-китоблар бўйича аналитик ҳисоби 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарида (карточкасида) ҳар бир ходим бўйича алоҳида ҳолда олиб борилади.».

97. «18 «Бошқа ҳисоб-китоблар» счёти» чиқариб ташлансин.

98. 296 — 298-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

99. IV бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«IV боб. Молиявий натижалар ҳисоби».

100. IV бобнинг 1-параграфи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

101. 299-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

102. «20 «Маҳсулот (иш, хизмат)лар реализацияси» счёти» чиқариб ташлансин.

103. 300 — 305-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

104. «21 «Бошқа харажатлар» счёти» чиқариб ташлансин.

105. 306 — 308-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

106. IV бобнинг 2-параграфи номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-§. Касса ва ҳақиқий харажатлар ҳисоби».

107. 309-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

108. «23 «Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти» чиқариб ташлансин.

109. 310 — 316-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

110. 317-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«317. Бюджетдан молиялаштириш ва бюджет маблағларидан ҳисобланган ҳақиқий харажатлар субсчётлари бўйича аналитик ҳисоб 294-сон шаклдаги касса ва ҳақиқий харажатларни ҳисобга олиш дафтарыда юритилади.».

111. «24 «Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти» чиқариб ташлансин.

112. 318 — 320-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

113. 321-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«321. Тўловларнинг махсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган даромадлар счёти бўйича аналитик ҳисоб 292-сон шаклдаги жорий ҳисоблар ва ҳисоб-китоблар дафтарыда юритилади.».

114. «25 «Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» счёти» чиқариб ташлансин.

115. 322 — 328-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

116. «26 «Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёти» чиқариб ташлансин.

117. 329 — 341-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

118. «27 «Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар» субсчёти» чиқариб ташлансин.

119. 342 — 345-бандлар ва 347 — 350-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

120. IV бобнинг 3-параграфи ўз кучини йўқотган деб топилсин.

121. 351 — 359-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

122. V бобнинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«V боб. Балансдан ташқари счётлар ҳисоби».

123. 360 — 363-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

124. 364 — 374-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«364. Ижарага олинган асосий воситаларнинг аналитик ҳисоби ижарага берувчилар ва асосий воситаларнинг объектларини ижарага олувчиларда ижарага берувчиларнинг инвентар рақамлари билан 296-сон шакл дафтарыда юритилади.

365. Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликларнинг аналитик ҳисоби буюртмачилар, материалларнинг турлари ва турадиган жойлари бўйича 296-сон шакл дафтарыда олиб борилади.

366. Қатъий ҳисоб бланкаларининг аналитик ҳисоби бланкаларнинг турлари ва сақланадиган жойи бўйича 448-сон шаклдаги қатъий ҳисобот бланкалари ҳисобга олинадиган дафтарда юритилади.

367. Ишончсиз дебиторларнинг қарзларини харажатга чиқазилиши бўйича аналитик ҳисоб 292-сон шаклдаги дафтарда қарздорнинг фами-

лияси, исми ва отасининг исми (ташкилотнинг тўлиқ номи) кўрсатилган ҳолда юритилади.

368. Марказлашган ҳолда олинган ёки берилган моддий қийматликларни аналитик ҳисоби 322-сон шаклдаги марказлашган тартибда тўланган моддий қимматликлар ҳисоби дафтарида (мазкур Йўриқноманинг 62-илоvasи) ҳар бир мол-мулк қабул қилиб олувчи муассасалар бўйича юритилади.

369. Ўқувчилар ва талабалар томонидан қайтарилмаган моддий қимматликлар баланسدан ташқари ҳисобда ҳисобга олинади ва белгиланган тартибда ундириб олишга қўйилади. 05 счёт бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ўқувчи ва талаба бўйича 292-сон шакл дафтарида олиб борилади.

370. «Кўчма спорт совринлари ва кубоклари» счётининг аналитик ҳисоби ҳар бир предмет ва унинг қиймати бўйича 296-сон шакл дафтарида юритилади.

371. «Тўланмаган йўлланмалар» счётининг аналитик ҳисоби йўлланмаларнинг турлари, миқдори ва номинал қиймати бўйича 296-сон шакл дафтарида юритилади.

372. Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари счети бўйича аналитик ҳисоб 296-сон шаклдаги дафтарда фойдаланувчилар ва ташкилотнинг бўлинмалари бўйича алоҳида ҳолда юритилади.

373. Ҳарбий техникаларнинг ўқув предметлари бўйича аналитик ҳисоби уларнинг номлари, тураржойлари, моддий жавобгар шахслар бўйича 296-сон шаклдаги дафтарда олиб борилади.

374. Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёт қисмлари ҳисоби 296-сон шаклдаги дафтарда олувчиларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими, олган санаси ва бошқа зарурий реқвизитларни кўрсатган ҳолда юритилади.»

125. 25-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

269 Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (16-сонли БҲМС) «Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар ва назарда тутилмаган ҳолатлар»ни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3539*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (16-сонли БҲМС) «Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар ва назарда тутилмаган ҳолатлар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 октябрда 57-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 16-сон БҲМС «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари» (рўйхат рақами 578, 1998 йил 23 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 6-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 июнь,
139-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 3 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
14 июндаги 139-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий
стандарти (16-сонли БҲМС) «Бухгалтерия балансини тузиш
санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган
ҳодисалар ва назарда тутилмаган ҳолатлар»**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (16-сонли БҲМС) «Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар ва назарда тутилмаган ҳолатлар» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи ҳисобланади.

2. Мазкур Стандарт бюджет, банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари мулкчилик шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахслар (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) томонидан назарда тутилмаган ҳолатлар ҳамда бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисаларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш ва ёритиб бериш учун қўлланилади.

3. Назарда тутилмаган ҳолатларнинг юз беришига олиб келадиган қўйидаги ҳодисалар мазкур Стандартнинг амал қилиш соҳасига кирмайди:

суғурта компаниясининг ҳаётни суғурта қилиш бўйича берилган суғурта полислари бўйича юзага келадиган мажбуриятлари;

молиявий ижара (лизинг) шартномалари бўйича юзага келадиган мажбуриятлар;

солиқ ставкалари ёки солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар.

4. Мазкур Стандартда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

назарда тутилмаган ҳолатлар — бу шундай вазиятки, унинг якуний натижаси (фойда ёки зарар) келгусида битта ёки бир нечта ноаниқ ҳодисаларнинг содир бўлишига қараб тасдиқланади. Бунда, бухгалтерия баланси тузилганидан кейин ноаниқ ҳодисаларнинг содир бўлиши натижасида ташкилот фойда олади ёки зарар кўради.

бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар — бу бухгалтерия балансини тузиш санаси билан молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасидаги даврда юз берадиган ташкилотга ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган ҳодисалардир.

5. Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар қўйидаги турларга бўлинади:

бухгалтерия балансини тузиш санасида мавжуд бўлган ва келгусида юз берадиган ходисалар;

бухгалтерия балансини тузиш санасида (санасидан кейин) мавжуд бўлмаган ва келгусида юз берадиган ходисалар.

2-боб. Назарда тutilмаган ҳолатлар

6. Назарда тutilмаган ҳолатлар молиявий ҳисоботда ҳисоблаш принципага мувофиқ акс эттирилади.

7. Назарда тutilмаган ҳолатлар молиявий ҳисоботларда қуйидагича кўрсатилиши мумкин:

миқдори бўйича;

умумий тавсифи бўйича.

8. Назарда тutilмаган ҳолатларнинг оқибатлари ва молиявий таъсирини баҳолаш ташкилот раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ушбу баҳолаш молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш пайтида амалга оширилади.

3-боб. Назарда тutilмаган ҳолатлар бўйича фойда ва зарарлар ҳисоби

9. Назарда тutilмаган ҳолатлар бўйича фойда молиявий ҳисоботларда даромад сифатида кўрсатилмаслиги керак (фойда олиш эҳтимоли юқори бўлган вазиятлар бундан мустасно). Фойда олиш эҳтимоли юқори бўлган вазиятларда бундай фойда назарда тutilмаган ҳолатлар бўйича фойда деб ҳисобланмайди ва у молиявий ҳисоботларда тан олинади.

10. Назарда тutilмаган ҳолатлар бўйича зарарлар ҳисоби назарда тutilмаган ҳолатлар натижаларига кўра олиб борилади. Агар назарда тutilмаган ҳолат ташкилотни зарар кўришга олиб келиши эҳтимоли мавжуд бўлса, бундай зарарни молиявий ҳисоботларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

11. Назарда тutilмаган ҳолатлар бўйича зарарлар миқдори молиявий ҳисоботда мажбурият сифатида кўриб чиқилиши керак, агар:

бухгалтерия балансини тузиш санасида келгусидаги ходисалар натижасида активлар қийматини пасайтириб юбориш эҳтимоли бўлса;

келгусида кўриладиган зарарлар қийматини (баҳосини) аниқлаш имконияти мавжуд бўлса.

12. Назарда тutilмаган ҳолатлар бўйича зарарларнинг мавжудлиги мазкур Стандартнинг 11-бандига мувофиқ акс эттирилиши билан бирга молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши керак, бундан зарар кўриш эҳтимоли кам бўлган ҳолатлар мустасно.

13. Ишлаб чиқариш фаолиятида умумий ёки номуайян хатарлар учун ҳисобланган суммалар назарда тutilмаган ҳолатлар ҳисобланмайди ва бухгалтерия балансини тузиш санасида назарда тutilмаган ҳолатлар сифатида тан олинмайди.

14. Назарда тutilмаган ҳолатлар солиққа тортишга ҳамда даврга тааллуқли бўлган, молиявий ҳисоботда акс эттирилган ва балансни тузиш сана-

сидан кейин молиявий ҳисоботлар тасдиқлангунигача таклиф этилган ёки эълон қилинган дивидендларга таъсир ўтказган ҳолларда, молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилиши ёки молиявий ҳисоботларга изоҳларда ёритиб берилиши керак.

4-боб. Назарда тутилмаган ҳолатларни баҳолаш ва ёритиб бериш

15. Молиявий ҳисоботларда кўрсатиладиган назарда тутилмаган ҳолатлар суммаси молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санасида баҳоланади. Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берадиган ва активлар қийматини камайтирадиган ёки мажбуриятларни юзага келтирадиган ҳодисалар назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича молиявий ҳисоботларда ҳисобга олиниши керак.

16. Агар назарда тутилмаган ҳолатларнинг вужудга келиш эҳтимолини ҳосил қиладиган вазият шунга ўхшаш кўплаб вазиятлар билан бир хил бўлса, айрим назарда тутилмаган ҳолатларнинг аҳамиятини акс эттирувчи сумма шундай вазиятлар гуруҳида кўрсатилади (масалан, сотилган товарлар бўйича кафолатлар, шубҳали дебиторлик қарзлари).

17. Агар назарда тутилмаган ҳолатлар бўйича зарар молиявий ҳисоботда тан олинмаса, унинг молиявий таъсири моҳияти ва баҳоси молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб берилади, зарар кўриш эҳтимоли кам бўлган ҳоллар бундан мустасно.

18. Назарда тутилмаган ҳолатларни ёритиб бериш зарурияти бўлганда, қуйидаги маълумотлар ёритиб берилиши керак:

назарда тутилмаган ҳолатларнинг моҳияти;

келгусидаги натижаларга таъсир этиши мумкин бўлган ноаниқ ҳодисалар;

молиявий таъсирни баҳолаш ёки бундай баҳолашни ўтказиш мумкин эмаслигини исботи.

5-боб. Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар ва ёритиб бериш

19. Бухгалтерия балансини тузиш санаси билан молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасида юз берадиган ҳодисалар активларга ва мажбуриятларга тузатишлар киритиш заруратини ёки уларни ёритиб бериш заруратини кўрсатиши мумкин.

20. Активлар ва мажбуриятлар қиймати бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берган, ташкилотга нисбатан фаолиятнинг узлуксизлиги принципи амал қилмай қолганлигини, яъни ташкилот тўловга қобилиятсиз бўлганлигини кўрсатувчи ҳодисалар бўйича тузатилиши керак.

21. Активлар ва мажбуриятларга тузатишлар бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган, бухгалтерия балансини тузиш санасида миқ-

дорларни аниқлаш учун қўшимча маълумотни таъминлайдиган ҳодисалар бўйича амалга оширилади. Масалан, бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган мижознинг тўловга қобилиятсизлигини тасдиқлайдиган қарз бўйича зарарларга тузатиш киритиш мумкин.

22. Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган хўжалик фаолиятидаги ҳодисалар ташкилотнинг фаолиятнинг узлуксизлиги принципага мос келмай қолишини кўрсатиши мумкин. Бунда, ташкилотнинг бухгалтерия баланси молиявий ҳолат ёмонлашганлигини кўрсатади ва молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун тасдиқлашда фаолиятнинг узлуксизлиги принципага мувофиқлиги масаласи кўриб чиқилади.

23. Агар бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган ҳодисалар молиявий ҳисоботни тузиш санасида активлар ва мажбуриятларга таъсир ўтказмаган, аммо улар муҳим аҳамият касб этган бўлса, бундай маълумотни ёритиб бермаслик молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг қарорларини таҳлил этиши ва қабул қилишига таъсир этиши мумкин. Бундай ҳолатларда ушбу ҳодисаларнинг моҳияти молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб берилади.

24. Агар бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган хўжалик фаолиятидаги ҳодисаларни ёритиб бериш талаб этиладиган бўлса, қуйидаги маълумот тақдим этилиши керак:

операциянинг моҳияти;

молиявий таъсирга баҳо бериш ёки бундай баҳолашни ўтказиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги маълумот.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

270 Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2022 йил 27 апрелдаги ПФ–122-сон «Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 5 ноябрдаги 01-02/12-29-сон қарори (рўйхат рақами 2525, 2013 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 619-модда) билан тасдиқланган Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2024 йил 1 июль,
150-сон

Д. КУЧКАРОВ

Келишилди:

Транспорт вазири

2024 йил 3 июнь

И. МАХКАМОВ

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
1 июлдаги 150-сон буйруғига
ИЛОВА

**Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун
мўлжалланган авиакеросин маҳсулотини божхона
расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Авиакеросин маҳсулоти белгиланган жойга етказилганидан сўнг, божхона юк декларациясининг божхона расмийлаштируви «Масофавий электрон декларациялаш» божхона постлари томонидан амалга оширилади.».

2. 6 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ҳаво кемасига қўйиш учун авиакеросин маҳсулоти божхона омборидан ёки божхона омбори ҳисобланмайдиган жойлардан махсус транспортга юкланади. Юклаш яқунлангач иловага мувофиқ электрон шаклда авиакеросин маҳсулоти махсус транспортга юкланганлиги тўғрисида далолатнома (бундан буён матнда далолатнома деб юритилади) божхона омборининг эгаси ёки авиакеросин маҳсулотини божхона омбори ҳисобланмайдиган жойда сақлаган шахс (бундан буён матнда ваколатли шахс деб юритилади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (бундан буён матнда Божхона қўмитасининг ахборот тизими деб юритилади) тузилади.

Далолатнома ҳудудий божхона органларининг божхона пости мансабдор шахси томонидан Божхона қўмитасининг ахборот тизимида электрон имзо қўйиш орқали расмийлаштирилади.

Далолатнома 2 нусхада чоп этилади.

Далолатноманинг I бўлими 1 — 4-бандлари, 5-бандининг «а» — «г» ва «ж» устунлари божхона омборининг эгаси томонидан тўлдирилади.

Далолатноманинг II бўлими юклаш яқунлангач тўлдирилади.».

4. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Далолатноманинг чоп этилган битта нусхаси божхона омборида қолади, 2-нусхаси эса божхона расмийлаштирувини амалга оширишда божхона постига такдим қилиш учун декларантга берилади.».

5. 11-банд «божхона омборининг эгаси,» деган сўзлардан кейин «божхона омбори ҳисобланмайдиган жойда сақланиши ва ундан олиб чиқилиши учун ваколатли шахс,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 14-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

7. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Авиакеросин маҳсулотини «реэкспорт» божхона режимига жойлаштириш учун унинг ҳаво кемасига қўйилган қунидан бошлаб уч иш қунидан кечиктирмасдан божхона расмийлаштирувини амалга оширадиган

божхона постига декларант томонидан ушбу режимга расмийлаштириш учун тўлдирилган божхона юк декларацияси билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим:

далолатноманинг чоп этилган нусхаси;
товарнинг кузатув ҳужжатлари.

Ҳужжатлар декларант томонидан тасдиқланиши лозим.».

8. 19-банддан «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

271 Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сонли БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»ни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил
2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3540*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (23-сонли БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 14 июнь,
142-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2024 йил 5 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
14 июндаги 142-сон буйруғига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий
стандарти (23-сонли БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга
оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш»**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (бундан буён матнда БҲМС деб юритилади) «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини норматив тартибга солиш элементи бўлиб ҳисобланади.

2. Мазкур БҲМСнинг мақсади қайта ташкил этишни амалга ошириш ҳақидаги маълумотни молиявий ҳисоботда ёритиб бериш тартибини белгилаш ҳисобланади.

3. Мазкур БҲМСнинг амал қилиши бюджет ташкилотлари, банклар ва нобанк кредит ташкилотларидан ташқари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахсларга (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) нисбатан татбиқ қилинади.

4. Мазкур БҲМС давлат иштирокидаги корхоналарни хусусийлаштириш билан боғлиқ хўжалик операцияларига нисбатан қўлланилмайди.

5. Ташкилотни қайта ташкил этиш унинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ қўйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- а) қўшиб юбориш;
- б) қўшиб олиш;
- в) бўлиш;
- г) ажратиб чиқариш;
- д) ўзгартириш.

6. Мазкур БҲМСда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қўшиб юбориш — ўз фаолиятларини тугатиш орқали икки ёки бир нечта ташкилотларнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини берган ҳолда янги ташкилотни вужудга келтирилиши;

қўшиб олиш — бир ёки бир нечта ташкилот фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа ташкилотга бериш;

бўлиш — ташкилот фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган ташкилотларга бериш;

ажратиб чиқариш — ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги ташкилотни вужудга келтириш;

ўзгартириш — янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш;

қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг жорий фаолияти билан боғлиқ операциялар — товар-моддий қийматликларни сотиш, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш, топширилаётган мулк бўйича амортизацияни ҳисоблаш, ходимларга меҳнат ҳақини ҳисоблаш, тегишли бюджетлар билан солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, топшириш далолатномасига киритилиши лозим бўлмаган келгуси давр харажатларини, масалан, ҳуқуқлари ҳуқуқий ворислик тартибида берилиши мумкин бўлмаган фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олиш харажатларини ва бошқа шунга ўхшаган харажатларни ҳисобдан чиқариш;

акцияларни конвертация қилиш — бунинг натижасида бир ёки бир нечта акциядорлик жамияти ташкил топадиган қайта ташкил этишда бир акциядорлик жамиятининг акцияларини бошқа акциядорлик жамияти (акциядорлик жамиятлари)нинг акцияларига ёки бошқа ташкилотларнинг улушлари (пайлари)га айирбошлаш операцияси;

айирбошлаш — бунинг натижасида бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклидаги ташкилот (акциядорлик жамиятидан ташқари) ташкил топадиган қайта ташкил этишда бир ёки бир нечта акциядорлик жамиятининг акциялари, ташкилотларнинг улушлари (пайлари)ни бошқа ташкилотларнинг улушлари (пайлари)га айирбошлаш операцияси.

7. Ташкилотларни қайта ташкил этиш ҳақидаги маълумотларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш қуйидагиларга асосан амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ ташкилотларни бўлиш ёки уларнинг таркибидан бир ёхуд бир нечта ташкилотни ажратиб чиқариш шаклида ташкилотларни қайта ташкил этишда ташкилотнинг таъсисчилари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи ёки ваколатли давлат органларининг (бундан буён матнда таъсисчилар деб юритилади) қарорига ёхуд қонунда белгиланган ҳолларда суд қарорига асосан;

б) қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ташкилотларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этишда ваколатли давлат органларининг розилигига асосан.

8. Ташкилотларни қайта ташкил этиш ҳақидаги маълумотни молиявий ҳисоботда шакллантириш учун таъсисчилар қарориди қуйидагилар назарда тутилиши мумкин:

а) активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш муддатлари;

б) ҳуқуқий ворислик тартибида топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш усули;

в) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси тасдиқланганидан кейин қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг жорий фаолияти натижасида юзага келиши мумкин бўлган активлар ва мажбуриятларнинг ўзгариши муносабати билан ҳуқуқий ворислик тартиби, шунингдек муайян хўжалик операцияларини амалга ошириш (кредитлар ва қарзлар олиш ёки бериш, инвестицияларни амалга ошириш ва бошқалар)нинг алоҳида тартиби;

г) янги вужудга келган ёки қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг

таъсис ҳужжатларида акс эттириш учун устав капиталини шакллантириш тартиби ва унинг миқдори;

д) акциядорлардан акцияларни сотиб олишга (харид қилишга) йўналтириш зарурияти юзага келиши мумкинлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта ташкил этилаётган ташкилот ҳисобот даврида ва ўтган йилларда олган соф фойдани йўналтириш (тақсимлаш), шартли ва кафолатланган мажбуриятларни ҳисобдан чиқариш (оқибатларни баҳолаган ҳолда тан олиш) ва бошқалар.

9. Қайта ташкил этиш натижасида юзага келган ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкилот қайта ташкил этилган ҳисобланади бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳоллари мустасно. Ташкилот унга бошқа ташкилотни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган ташкилотнинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига (бундан буён матнда Реестр деб юритилади) киритилган пайтдан бошлаб бу ташкилот қайта ташкил этилган ҳисобланади.

10. Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш қуйидагилар мавжуд бўлган ҳолда амалга оширилади:

а) қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари;

б) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган ва мазкур БҲМСнинг 7-бандида кўрсатилган таъсисчилар қарори ёки тегишли органларнинг қайта ташкил этишга розилиги;

в) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тузилган қўшиб юбориш ёки қўшиб олиш тўғрисидаги шартномалар;

г) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси;

д) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, рўйхатга олувчи органнинг қуйидагилар ҳақида ёзувни Реестрга киритганини тасдиқловчи ҳужжат: қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишда янги вужудга келган ташкилотлар ҳақида; қўшиб олиш шаклидаги қайта ташкил этишда қўшиб олинган ташкилотларнинг охиргиси фаолияти тўхтатилгани ҳақида ва бошқалар.

11. Таъсисчилар қарори (шартномаси)га асосан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига қуйидаги иловалар қўшилади:

а) қайта ташкил этилаётган ташкилот активлари ва мажбуриятлари таркиби, шунингдек қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда активлар ва мажбуриятларни топширишни расмийлаштириш санасидан олдинги охирги ҳисобот санасига бўлган уларнинг баҳоси акс эттирилган, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган таркибда молиявий ҳисобот;

б) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш олдидан ўтказилган инвентаризация мувофиқ қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг активлари ва мажбуриятларини инвентаризация қилиш далолатномалари (хатлаш ҳужжатлари);

в) моддий ва номоддий активлар бўйича бошланғич ҳужжатлар (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралар ва бошқаларни қа-

бул қилиш-топшириш далолатномалари (юкхатлари), ташкилотларни қайта ташкил этишда қабул қилиниши-топширилиши лозим бўлган бошқа активларнинг рўйхатлари (хатлаш ҳужжатлари);

г) қайта ташкил этилаётган ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтган пайдан бошлаб мол-мулки ва тегишли шартномалар бўйича мажбуриятлари, тегишли бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқалар билан ҳисоб-китоблар ҳуқуқий ворисга ўтганлиги ҳақида уларнинг кредиторлари ва дебиторларига белгиланган муддатда (қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай) ёзма равишда хабардор этганлиги тўғрисидаги маълумот кўрсатилган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари расшифровкаси (уларни хатлаш ҳужжатлари) ва бошқалар.

12. Топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси қайта ташкил этилган ташкилотнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тарафлар низолашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган бўлиши керак.

Топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси юридик шахс таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан ёки юридик шахсларни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тасдиқланади ҳамда таъсис ҳужжатлари билан бирга янги вужудга келган ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш ёки мавжуд ташкилотларнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш учун тақдим этилади.

13. Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини белгиланган тартибда тасдиқлаш санаси таъсисчилар ёки қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорни қабул қилган орган томонидан таъсисчиларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги шартномаси (қарори)да назарда тутилган қайта ташкил этишни амалга ошириш муддати доирасида, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган талаблардан (қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳақида кредиторлар, акциядорлар ва иштирокчиларни хабардор этиш, уларнинг мажбуриятларни тугатиш ёки муддатидан илгари бажариш ва зарарларни қоплаш ҳақида талаблар қўйиши, активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш ва бошқалар) келиб чиқиб белгиланади.

14. Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузишни ҳисобот даври (йили)нинг охирига ёки қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг берилаётган активлари ва мажбуриятларини тавсифлаш ва баҳолаш учун асос бўлган оралик (чораклик) молиявий ҳисобот тузиш санасига мўлжаллаш тавсия этилади.

2-боб. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш

15. Ташкилотларни қайта ташкил этишда топширилувчи (қабул қилинувчи) активлар ва мажбуриятларни баҳолаш таъсисчиларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартнома)да белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳар бир тури учун активларнинг бошқа турларига қўлланидиган баҳолаш усулларида фарқли алоҳида баҳолаш усули белгиланиши мумкин.

16. Юридик шахсни қайта ташкил этишда топшириладиган активлар қуйидаги қийматлар бўйича баҳоланиши мумкин:

- а) харид қилиш таннархи бўйича;
- б) бошланғич қиймати бўйича;
- в) қолдиқ қиймати бўйича;
- г) қайта тикланиш қиймати бўйича;
- д) номинал қиймати бўйича;
- е) ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий тўла таннархи бўйича;
- ж) бевосита харажатларга кўра ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий таннархи бўйича;
- з) режали, меъёрий таннархи бўйича;
- и) бозор баҳоси бўйича.

Мазкур БХМСга иловада ташкилотларни қайта ташкил этишда қўллаш тавсия этиладиган баҳолаш турлари жадвали келтирилган.

Бунда топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида акс эттирилган активлар қиймати уларга иловаларда (хатлаш ҳужжатлари, расшифровкалар) келтирилган маълумотлар билан тегишли қиймат баҳосида мос келиши лозим.

17. Қайта ташкил этиш вақтида таъсисчилар қарори (шартномаси)га мувофиқ ушбу БХМС 16-бандининг «а» — «з»-кичик бандларида кўрсатилган қийматлар бўйича топширилувчи активларни баҳолашда қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида топширилаётган активни акс эттириш мазкур ҳужжатларни тузиш учун асос бўлган молиявий ҳисоботда акс эттирилган суммада амалга оширилади.

Таъсисчилар қарори (шартномаси)га мувофиқ қайта ташкил этишда топширилувчи мол-мулкни жорий бозор баҳоси бўйича баҳолаш қайта ташкил этилаётган ташкилот томонидан топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансини тузиш чоғида амалга оширилиши мумкин.

18. Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида қайта ташкил этилаётган ташкилот мажбуриятларининг баҳоси кредиторлик қарзи инвентаризация натижаларига кўра бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ифодаланган суммада акс эттирилади, бунда ташкилот қайта ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ кредиторларга қопланиши керак бўлган зарарлар суммаси ҳисобга олиниши лозим.

19. Акциядорлик жамиятларининг ташкилотлар устав капиталидаги акциядорларнинг талабига биноан сотиб олиниши лозим бўлган акцияларини баҳолаш уларнинг Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ аниқланган жорий бозор қийматидан паст бўлмаган нархда белгиланган тартибда акциядорлик жамиятлари томонидан амалга оширилади.

Назарда тутилган барча тартиб-таомиллар бажарилганидан кейин, белгиланган тартибда сотиб олинган, қайта ташкил этилаётган ташкилотларга тегишли акциялар бекор қилинаётганида бухгалтерия ҳисобида устав капиталининг акциялар номинал қийматига камайиши акс эттирилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар миқдори акциялар номинал қийматидан катта бўлса, юзага келувчи фарқ қўшилган капиталнинг камайиши ҳисобига, қўшилган капитал миқдори етарли бўлмаган тақдирда эса, молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича харажатларга) қайта ташкил этилаётган ташкилот кўрган зарар сифатида киритилади.

Агар акцияларни сотиб олишга амалдаги харажатлар акциялар номинал қийматидан кам бўлса, юзага келувчи фарқ молиявий натижаларга (молия фаолияти бўйича даромадларга) қайта ташкил этилаётган ташкилот олган даромад сифатида киритилади.

3-боб. Ташкилотни қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот

20. Ўз фаолиятини тўхтатаётган қайта ташкил этилаётган ташкилот Реестрга тегишли ёзув киритилган санадан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузади.

Якуний молиявий ҳисобот Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ, ташкилот илгари қабул қилган йиллик молиявий ҳисобот шакллари ҳажмида, ҳисобот йили бошидан то Реестрга янги вужудга келган ташкилотлар ҳақидаги (қўшиб олинган охириги ташкилот фаолиятини тўхтатиши ҳақидаги) ёзув киритилган вақтга қадар бўлган давр учун тузилади.

21. Қайта ташкил этилаётган ташкилотлар бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича эмас, балки ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида маълумотларни беришлари лозим. Бунда, бухгалтерия ҳисобининг барча тартибга солувчи (контр-актив ва контр-пассив) ва баҳолаш ҳисобварақлари ёпилган бўлиши керак. Якуний молиявий ҳисобот тузиш учун фақат мол-мулк ва мажбуриятларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўйича қолдиққа эга бўлиш лозим.

22. Агар қайта ташкил этиш натижасида янги тузилган ташкилот муайян объектга нисбатан ўз ҳуқуқларини тасдиқлаш ва амалга ошириш имкониятини йўқотган бўлса, мазкур мол-мулкни қайта ташкил этилган ташкилот зарарларга ҳисобдан чиқариши лозим.

23. Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига асосан қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг активлари ва мажбуриятларини топшириш санаси билан вужудга келган ташкилотлар ҳақидаги (қўшиб олинган ташкилотларнинг охиригиси ўз фаолиятини тўхтатганлиги ҳақидаги) ёзув Реестрга киритилган сана мос келмаганлиги сабабли мазкур саналар оралиғидаги даврда қайта ташкил этилаётган ташкилот томонидан белгиланган тартибда йиллик (ёки оралиқ) молиявий ҳисобот тузилади ва тақдим этилади.

Бунда, оралиқ ва йиллик, кейинчалик эса якунловчи молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан мос келмаслиги мумкин.

Оралиқ ва (ёки) йиллик молиявий ҳисоботга, якуний молиявий ҳисоботга изоҳларда ёхуд топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига

изоҳларда шу даврда топширилаётган активлар ва мажбуриятлар қийматида содир бўлган ўзгаришлар ёритиб берилиши лозим.

Агар, топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган (фаолияти тугатилаётган) ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тегишли ҳужжатлар тақдим этилишидан бевосита олдин тузилган бўлса, оралик ва (ёки) йиллик ҳамда якунловчи молиявий ҳисоботнинг кўрсаткичлари топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари билан мос келиши мумкин. Бунда топширилаётган активлар баланс қиймати (амалдаги таннархи, дастлабки қиймати) бўйича, мажбуриятлар эса қарз бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган сумма бўйича баҳоланади ҳамда шу даврда активлар ва мажбуриятларда ўзгариш содир бўлмайди.

24. Қайта ташкил этишда активлар ва мажбуриятларнинг топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси бўйича бир ташкилотдан бошқа ташкилотга ҳуқуқий ворислик тартибда топширилишига бухгалтерия ҳисоби мақсадларида активлар ва мажбуриятларнинг чиқиб кетиши сифатида қаралмайди.

25. Қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар (вужудга келган ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш, таъсис ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш, қимматли қоғозларни рўйхатдан ўтказиш, юридик хизматларга ҳақ тўлаш ва бошқалар) қайта ташкил этишда қатнашаётган ташкилотлар томонидан тегишли даврнинг бошқа операцион харажатлари деб эътироф этилади ва ушбу харажатларни амалга оширган ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Мазкур харажатларни амалга оширган ташкилотнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботида юқорида келтирилган харажатлар, уларнинг муҳимлигидан қатъи назар, «бошқа операцион харажатлар» сатрида акс эттирилади.

26. Қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотнинг ҳисобот даврининг бошига (давлат рўйхатидан ўтказилган санага) қадар бўлган ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботида активлар, мажбуриятлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда тасдиқланган топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансига, шунингдек қайта ташкил этилган ташкилотларнинг топширилаётган активлари ва мажбуриятлари таркибидаги ва қийматидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб тузилган якуний молиявий ҳисоботи маълумотларига асосан тўлдирилади.

Қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг жорий хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобини юритишда ва қайта ташкил этишда қўлланувчи активларни баҳолаш усуллари ҳар хил бўлса, якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичлари баҳосини топширилаётган активлар баҳоси билан мувофиқ ҳолатга келтириш лозим. Топширилаётган активлар қийматидаги барча тафовутлар қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг бошқа даромадлари ва харажатлари ҳисобварақларида акс эттирилиши лозим.

27. Мажбурият тугатилган, қарздор ва кредитор бир шахс бўлган тақдирда, яъни қўшиб юбориш (қўшиб олиш) шаклидаги қайта ташкил этишда қатнашаётган тарафлар ўртасида қўшиб юбориш (қўшиб олиш) шаклида-

ги қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотнинг дастлабки бухгалтерия балансида қуйидагилар киритилмайди:

а) қайта ташкил этилаётган ташкилотлар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзларини, шу жумладан дивидендлар бўйича ҳисоб-китобларни акс эттирувчи кўрсаткичлар;

б) қайта ташкил этилаётган баъзи ташкилотларнинг қайта ташкил этилаётган бошқа ташкилотлар устав капиталига жойлаштирган маблағлари;

в) қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг ўзаро ҳисоб-китобларини, шу жумладан ўзаро операциялар натижасида олинган даромад ва кўрилган зарарларни тавсифловчи бошқа активлар ва мажбуриятлар.

4-боб. Қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришнинг хусусиятлари

28. Қўшиб юборишда қатнашаётган ташкилотлар қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, ҳар бир ташкилот акциялари (улушлари)ни янги ташкилот акциялари (улушлари)га конвертация қилиш тартиби белгиланадиган қўшиб юбориш тўғрисида шартнома тузадилар. Қўшиб юборишда қатнашаётган ҳар бир ташкилот қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этиш (бундан буён матнда қўшиб юбориш деб юритилади), қўшиб юбориш тўғрисидаги шартнома ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишининг муҳокамасига киритади.

29. Қўшиб юборишда ўз фаолиятини тўхтатаётган барча қайта ташкил этилаётган ташкилотлар вужудга келган ташкилот ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузадилар. Бунда якуний молиявий ҳисобот тузилгунга қадар даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳисобварағи ёпилади ва соф фойда суммаси таъсисчиларнинг қўшиб юбориш тўғрисидаги қарори (шартномаси) да белгиланган мақсадларга йўналтирилади (таксимланади).

30. Қўшиб юборишда ушбу ташкилотларнинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек топшириш далолатномаси тасдиқланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар вужудга келган ташкилот ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар қўшиб юбориш муносабати билан ўз фаолиятини тўхтатаётган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобида ва якуний молиявий ҳисоботида акс эттирилади.

31. Қўшиб юбориш натижасида вужудга келган ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилган санага бўлган ҳолатга кўра дастлабки молиявий ҳисоботи топшириш далолатномаси маълумотлари ҳамда қайта ташкил этилган ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган мазкур БҲМСнинг 30-бандида санаб ўтилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда тузилган якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичларини (бундан мазкур БҲМСнинг 27-бандида келтирилган кўрсаткичлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар мустасно) сатрма-сатр бирлаштириш (қўшиш ёки ўтган йилларнинг қопланмаган зарар-

лари бўлган тақдирда, айириш) асосида, шунингдек мазкур БҲМСнинг 33 ва 34-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқиб тузилади.

Бунда, қўшиб юбориш натижасида ташкил этилаётган ташкилотларнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларининг кўрсаткичларини қўшиш қўшиб юбориш натижасида вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботида амалга оширилмайди.

32. Вужудга келган ташкилот давлат рўйхатидан ўтиш санасига дастлабки молиявий ҳисоботни тузишда қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни улар топшириш далолатномасида акс эттирилган баҳода, қўшиб юбориш натижасида ташкил этилаётган ташкилотларнинг якуний молиявий ҳисоботидаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб тўлдиради.

33. Қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномага ва унда назарда тутилган таъсисчиларнинг қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни вужудга келган ташкилотнинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ, вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботида қўшиб юбориш натижасида ташкил этилаётган ташкилотларнинг шаклланган устав капитали акс эттирилади.

Агар қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада вужудга келган ташкилотнинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг устав капиталлари суммасидан, шу жумладан қўшиб юборишда қатнашаётган ташкилотларнинг ўз манбалари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботида қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади.

Агар қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада вужудга келган ташкилотнинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг устав капиталлари умумий суммасидан камайитириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботида қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади, ўртадаги фарқ эса ҳуқуқий вориснинг дастлабки бухгалтерия балансида «Ўз маблағлари манбалари» бўлимида «Қўшилган капитал» сатрида акс эттирилиши лозим.

34. Агар қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган устав капиталининг миқдори вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қийматига мос бўлмаса, дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади:

акцияларни конвертация қилишда қўшиб юбориш шаклида вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлса, дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари соф активлар қиймати миқдорида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган ҳолда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши);

агар (акцияларни конвертация қилиш ҳолларини истисно қилганда) вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Мажбуриятлар» бўлимида «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» ва «Кечиктирилган даромадлар» сатрларида акс эттирилиши лозим;

агар қўшиб юбориш натижасида вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлиб қолса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Узоқ муддатли активлар» бўлимида «Номоддий активлар» сатрида гудвилл тарзида акс эттирилиши лозим.

**5-боб. Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишни
амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини
шакллантиришнинг хусусиятлари**

35. Қўшиб олинаётган ташкилотлар ва улар қўшилаётган ташкилот қўшиб олиш тартиби ва шартлари, шунингдек қўшиб олинаётган ташкилотларнинг акциялари (улушлари)ни улар қўшилаётган ташкилотнинг акциялари (улушлари)га конвертация қилиш тартиби белгиланадиган қўшиб олиш тўғрисида шартнома тузадилар. Ҳар бир ташкилот қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш (бундан буён матнда қўшиб олиш деб юритилади), қўшиб олиш тўғрисидаги шартнома ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни қўшиб олишда иштирок этувчи ташкилот таъсисчилари (акциядорлари) умумий йиғилишининг муҳокамасига киритади.

36. Қўшиб олишда якуний молиявий ҳисобот фақат қўшиб олинаётган ташкилот томонидан унинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунгача бўлган ҳолатга кўра тузилади. Бунда якуний молиявий ҳисобот тузилгунга қадар даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳисобварағи ёпилади ва соф фойда суммаси таъсисчиларнинг қўшиб олиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган мақсадларга йўналтирилади (тақсимланади).

37. Бошқа ташкилот (ташкилотлар)ни унга қўшиш жараёнида таъсисчиларнинг қарорига асосан фақат активлар ва мажбуриятлар ҳажми ўзгарган ва жорий ҳисобот йили узилиб қолмаган ташкилотда даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳисобварағи ёпилмайди ва қўшиб олинаётган ташкилот фаолиятини тўхтатиш давлат рўйхатидан ўтказилган санага бўлган ҳолатга кўра якуний молиявий ҳисобот тузилмайди.

38. Қўшиб олишда қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек топшириш далолатномаси тасдиқланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар қўшиб олинаётган ташкилот фаолиятининг тўхтатилиши ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар ўз фаолиятини тўхтатаётган ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида ва якуний молиявий ҳисоботида акс эттирилади.

39. Қўшиб олишда қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиш ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага кўра ҳуқуқий ворис-

нинг молиявий ҳисоботи топшириш далолатномаси маълумотлари ҳамда қўшиб олинаётган ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган, ушбу БҲМСнинг 38-бандида санаб ўтилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда тузилган якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичларини ва ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинаётган ташкилот фаолияти тўхтатилганини давлат рўйхатидан ўтказиш санасига тузилган молиявий ҳисоботи кўрсаткичларини (бундан мазкур БҲМСнинг 27-бандида келтирилган ва ўзаро ҳисоб-китобларни акс эттирувчи кўрсаткичлари мустасно) сатрма-сатр бирлаштириш (қўшиш ёки, ўтган йилларнинг қопланмаган зарарлари бўлган тақдирда, айириш) асосида, шунингдек мазкур БҲМСнинг 41 ва 42-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқиб тузилади.

Бунда, ҳуқуқий ворис ва қўшиб олинаётган ташкилотнинг қўшиб олинаётган ташкилот фаолияти тўхтатилганини давлат рўйхатидан ўтказиш санасига қадар бўлган ҳисобот даврларидаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар кўрсаткичларини қўшиш амалга оширилмайди.

Қўшиб олишда ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинаётган ташкилот фаолияти тўхтатилганини давлат рўйхатидан ўтказиш санасидан кейинги даврдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг кўрсаткичлари қўшиб олишда қайта ташкил этилган ташкилотнинг даромадлари ва харажатларини акс эттиради.

40. Ҳуқуқий ворис қўшиб олинган охириги ташкилот фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага молиявий ҳисоботни тузишда қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни улар топшириш далолатномасида акс эттирилган баҳода, қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг қўшиб олинаётган ташкилот томонидан тузилган якуний молиявий ҳисоботидаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб тўлдиради.

41. Қўшиб олиш тўғрисидаги шартномага ва унда назарда тутилган таъсисчиларнинг қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни ҳуқуқий вориснинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага молиявий ҳисоботида устав капитали акс эттирилади.

Агар қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада ҳуқуқий вориснинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг устав капиталлари умумий суммасидан, шу жумладан қўшиб олишда қатнашаётган ташкилотларнинг ўз маблағлари манбалари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага тузилган молиявий ҳисоботида қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади.

Агар қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада ҳуқуқий вориснинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг устав капи-

таллари умумий суммасидан камайтириш назарда тутилган бўлса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага тузилган молиявий ҳисоботида қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади, ўртадаги фарқ эса ҳуқуқий вориснинг бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимида «Қўшилган капитал» сатрида акс этирилиши лозим.

42. Агар қўшиб олиш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган устав капиталининг миқдори ҳуқуқий вориснинг соф активлари қийматига мос бўлмаса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага тузилган бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Акцияларни конвертация қилиш вақтида ҳуқуқий вориснинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлса, ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага тузилган бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари соф активлар қиймати миқдорида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган ҳолда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Қолган ҳолларда, агар ҳуқуқий вориснинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлиб қолса, ўртадаги фарқ ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолияти тўхтатилган санага тузилган бухгалтерия баланси «Мажбуриятлар» бўлимида «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» ва «Кечиктирилган даромадлар» сатрларида акс эттирилиши лозим.

Агар ҳуқуқий вориснинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлиб қолса, ўртадаги фарқ ҳуқуқий вориснинг қўшиб олинган охириги ташкилотнинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага тузилган бухгалтерия баланси «Узоқ муддатли активлар» бўлимида «Номоддий активлар» сатрида гудвилл тарзида акс этирилиши лозим.

6-боб. Бўлиш шаклида қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришнинг хусусиятлари

43. Ташкилотни бўлиш шаклида қайта ташкил этишда таъсисчиларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига асосан қайта ташкил этилаётган ташкилот мол-мулки ва мажбуриятларининг ҳуқуқий ворислиги ҳақидаги қоида ифодаланган тақсимлаш балансини тузиш учун қайта ташкил этилаётган ташкилот молиявий ҳисоботининг кўрсаткичларини бўлиш амалга оширилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг кўрсаткичларини бўлиш қайта ташкил этилаётган ташкилот томонидан амалга оширилмайди.

44. Ўз фаолиятини тўхтатаётган ташкилот томонидан вужудга келган ташкилотлар ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги санага кўра даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳисобварақлари бўйича охирги ҳисобот йилининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи элементлари кесимида ёпиш билан боғлиқ ҳисобга олиш ёзувлари қайд этилади ва тақсимлаш балансига асосан, вужудга келган ташкилотлар кесимида тегишли кўрсаткичларни бўлган ҳолда якуний молиявий ҳисоботни тузиш учун тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) аниқланади.

45. Бўлиш шаклида қайта ташкил этишда қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек тақсимлаш баланси тасдиқланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар вужудга келган ташкилотлар ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида ва якуний молиявий ҳисоботида акс этирилади.

46. Бўлиш шаклида қайта ташкил этилган ташкилотнинг тақсимлаш баланси ва якуний молиявий ҳисоботида асосан, ушбу БҲМСнинг 45-бандига мувофиқ акс этирилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтиш санасига ҳар бир янги ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботи тузилади.

47. Ҳуқуқий ворислар ўзлари давлат рўйхатидан ўтган санага дастлабки молиявий ҳисоботни тузишда бўлиш шаклида қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни ҳуқуқий ворислик тартибида олинган мол-мулк таъсисчиларнинг қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ тақсимлаш балансида акс этирилган баҳода, қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг якуний молиявий ҳисоботидаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб қайд этадилар.

48. Ташкилотларни бўлиш чоғида шакллантирилган устав капитали дастлабки бухгалтерия балансида таъсисчиларнинг бўлиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига ва унда назарда тутилган қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни вужудга келган ташкилотларнинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартибига мувофиқ акс этирилади.

Агар таъсисчиларнинг бўлиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қароридан вужудга келган ташкилотларнинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг устав капитали суммасидан, шу жумладан бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг ўз маблағлари манбалари (қўшилган капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотларнинг дастлабки молиявий ҳисоботида таъсисчиларнинг бўлиш тўғрисидаги қароридан қайд этилган устав капитали миқдори акс этирилади.

Агар таъсисчиларнинг бўлиш тўғрисидаги қароридан бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотларнинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг устав капитали суммаси-

дан камайтириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган ташкилотларнинг дастлабки молиявий ҳисоботида таъсисчиларнинг бўлиш тўғрисидаги қарорида қайд этилган устав капитали миқдори акс эттирилади, ўртадаги фарқ эса ҳуқуқий ворисларнинг дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимида «Қўшилган капитал» кўрсаткичи билан янги вужудга келган ташкилотларнинг устав капитали миқдорига мутаносиб равишда тартибга солиниши лозим.

49. Агар таъсисчиларнинг бўлиш тўғрисидаги қарорида назарда тутилган устав капиталининг миқдори ташкилотларни бўлиш натижасида вужудга келган соф активлар қийматига мос бўлмаса, бўлиш натижасида вужудга келган ташкилотларнинг дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Акцияларни конвертация қилиш вақтида бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотларнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлса, дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари соф активлар қиймати миқдорида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган ҳолда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Агар вужудга келган ташкилотларнинг соф активлари қиймати таъсис ҳужжатларида қайд этилган устав капитали миқдоридан кўп бўлса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Мажбуриятлар» бўлимида «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» ва «Кечиктирилган даромадлар» сатрларида акс эттирилиши лозим.

Агар бўлиш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотларнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Узоқ муддатли активлар» бўлимида «Номоддий активлар» сатрида гудвилл тарзида акс эттирилиши лозим.

7-боб. Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришнинг хусусиятлари

50. Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этишда (бундан буён матнда ажратиб чиқариш деб юритилади) таркибидан бошқа ташкилот ажралиб чиқаётган ташкилотда таъсисчилар қарорига асосан фақат мол-мулк ва мажбуриятлар ҳажми ўзгаради, жорий ҳисобот даврида узилиш рўй бермайди, даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳисобварақлари ёпилмайди, шунингдек якуний молиявий ҳисобот тузилмайди.

51. Ташкилотни ажратиб чиқаришда таъсисчиларнинг қарорига асосан қайта ташкил этилаётган ташкилот активлари ва мажбуриятларининг ҳуқуқий ворислиги ҳақидаги қоида ифодаланган тақсимлаш балансини тузиш учун қайта ташкил этилаётган ташкилот молиявий ҳисоботининг кўрсаткичларини ажратиш амалга оширилади.

Бунда қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи кўрсаткичларини ажратиш амалга оширилмайди.

52. Қайта ташкил этилаётган ташкилот ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлимининг даромадлари ва айрим харажатлари суммасини тан олиш (топширилаётган мол-мулк бўйича амортизацияни ҳисоблаш, бу мулкни сақлаш харажатлари, ходимларга меҳнат ҳақини ҳисоблаш ва ш.к.), шунингдек ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлим бўйича молиявий ҳисобот тузилган санадаги ҳолатга кўра тегишли бюджетлар билан солиқлар, йиғимлар ва тўловлар бўйича ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш билан боғлиқ маълумотларни ёритишда қайта ташкил этилаётган ташкилот Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига амал қилиши мумкин.

53. Ажратиб чиқаришда қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча операциялар, шунингдек тақсимлаш баланси тасдиқланган санадан бошлаб ўтган даврда амалга оширилган қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар вужудга келган ташкилотлар ҳақидаги ёзувни Реестрга киритиш санасига қадар қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботида акс эттирилади.

54. Тақсимлаш балансига асосан, мазкур БҲМСнинг 53-бандида кўрсатилган, қайта ташкил этилаётган ташкилот томонидан акс эттирилган операцияларни ҳисобга олган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтиш санасига вужудга келган ташкилотларнинг дастлабки молиявий ҳисоботи тузилади.

55. Ҳуқуқий ворис ўзи давлат рўйхатидан ўтган санага дастлабки молиявий ҳисоботни тузишда қайта ташкил этиш жараёнида олинган активлар, мажбуриятлар ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни улар тақсимлаш балансида акс эттирилган баҳода, вужудга келган ташкилот ҳақидаги ёзув Реестрга киритилган санага қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг молиявий ҳисоботидаги кўрсаткичлардан келиб чиқиб қайд этади.

56. Ташкилотни ажратиб чиқаришда таркиб топтирилган устав капитали дастлабки молиявий ҳисоботда таъсисчиларнинг ажратиб чиқариш тўғрисидаги қарорига ва қонунчиликка мувофиқ унда назарда тутилган қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг акциялари (улушлари, пайларининг миқдорини аниқлаш)ни вужудга келган ташкилотнинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартибига мувофиқ акс эттирилади.

Агар таъсисчилар қарорига биноан ажратиб чиқарилаётган ташкилот устав капиталини шакллантириш учун фойдаланилаётган мол-мулкка доир ҳуқуқлар қайта ташкил этилаётган ташкилот устав капиталини ўзгартирмасдан, ажратиб чиқарилаётган ташкилот устав капиталига улуш тариқасида ўтказилаётган бўлса, мол-мулкнинг бундай тарзда ўтказилиши қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг молиявий ҳисоботида молиявий қўйилмалар тарзида, ажратиб чиқарилаётган ташкилотнинг молиявий ҳисоботида эса устав капиталига улуш тарзида акс эттирилади.

Агар таъсисчиларнинг қарорига биноан қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг устав капиталини ажратиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ акцияларни конвертация қилиш орқали амалга

оширилаётган бўлса, қайта ташкил этилаётган ташкилот бухгалтерия балансининг «Ўз маблағлари манбалари» бўлимида ажратиб чиқариш натижасида вужудга келган ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш санасига ва Реестрга ёзув киритилган санага кўрсаткичларга соф активлар қиймати устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратилган ҳолда киритилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Агар ажратиб чиқариш натижасида вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати таъсисчилар қароридида қайд этилган устав капитали миқдоридан кўп бўлса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Мажбуриятлар» бўлимида «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» ва «Кечиктирилган даромадлар» сатрларида акс эттирилиши лозим.

Агар ажратиб чиқариш натижасида вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати таъсисчилар қароридида қайд этилган устав капитали миқдоридан кам бўлса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Узоқ муддатли активлар» бўлимида «Номоддий активлар» сатрида гудвилл тарзида акс эттирилиши лозим.

Мазкур фарқ ажратиб чиқариш натижасида вужудга келган ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказиш санасига қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг бухгалтерия балансида ҳам айна шу йўсинда тартибга солиниши лозим.

8-боб. Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантиришнинг хусусиятлари

57. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ташкилотни тегишли ташкилий-ҳуқуқий шаклига ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тартиби ва шартлари таъсисчиларнинг ўзгартириш тўғрисидаги қарори билан белгиланади.

58. Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда, мол-мулк ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворисга ўтказиш билан боғлиқ масалалар топшириш далолатномасида тартибга солиниши лозим.

Таъсисчиларнинг ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ҳужжатларни қайта расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар таъсисчилар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

59. Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилот вужудга келган ташкилот ҳақидаги ёзув Реестрга киритилишидан олдинги кунда якуний молиявий ҳисобот тузиши чоғида даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиш ҳисобварағини ёпиш ва ўзгартирилаётган ташкилотнинг соф фойдаси суммасини таъсисчиларнинг ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарори (шартномаси)да белгиланган мақсадларга йўналтириш (тақсимлаш) амалга оширилади.

60. Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботи ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг якуний молиявий ҳисоботи кўрсаткичлари-

ни мазкур БХМСнинг 61 ва 62-бандларида назарда тутилган хусусиятлардан келиб чиқиб ўтказиш йўли билан тузилади.

61. Ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг акциялари (улушлари, пайлари)ни вужудга келган ташкилотнинг акциялари (улушлари, пайлари)га конвертация қилиш (айирбошлаш) тартиби тўғрисидаги қарорига мувофиқ, вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботида шакллантирилган устав капитали акс этирилади.

Агар таъсисчилар қароридида вужудга келган ташкилотнинг устав капитали миқдорини қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг устав капиталига нисбатан, шу жумладан ўз маблағлари манбалари (қўшилган ва захира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар) ҳисобига кўпайтириш назарда тутилган бўлса, ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботида таъсисчилар қароридида қайд этилган устав капитали миқдори акс этирилади.

Агар таъсисчилар қароридида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотнинг устав капитали миқдорини камайтириш назарда тутилган бўлса, вужудга келган ташкилотнинг дастлабки молиявий ҳисоботида таъсис ҳужжатларида қайд этилган устав капитали миқдори акс этирилади, ўртадаги фарқ эса ҳуқуқий вориснинг дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимида «Қўшилган капитал» сатрида акс этирилиши лозим.

62. Агар таъсисчилар қароридида назарда тутилган устав капиталининг миқдори вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қийматига мос бўлмаса, дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари қуйидаги тартибда шакллантирилади.

Агар акцияларни конвертация қилиш вақтида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг устав капитали миқдоридан кўп бўлса, дастлабки бухгалтерия баланси «Ўз маблағлари манбалари» бўлимининг кўрсаткичлари соф активлар қиймати миқдоридида, устав капиталига ва қўшилган капиталга ажратган ҳолда шакллантирилади (соф активлар қийматининг акцияларнинг жами номинал қийматидан ошиши).

Қолган ҳолларда, агар вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кўп бўлса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Мажбуриятлар» бўлимида «Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» ва «Кечиктирилган даромадлар» сатрларида акс этирилиши лозим.

Агар ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотнинг соф активлари қиймати устав капитали миқдоридан кам бўлса, ўртадаги фарқ дастлабки бухгалтерия баланси «Узоқ муддатли активлар» бўлимида «Номоддий активлар» сатрида гудвилл тарзида акс этирилиши лозим.

63. Асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизацияни ҳисоблаш ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилот томонидан қайта ташкил этилган ташкилот (ҳуқуқни ўтказувчи)

белгилаган фойдали хизмат муддатларидан келиб чиқиб, ушбу объектларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобига қабул қилиш вақтида амалга оширилади.

9-боб. Молиявий ҳисоботларга изоҳларда маълумотни ёритиб бериш

64. Таъсисчилар қайта ташкил этишни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилган санадан эътиборан, қайта ташкил этишда қатнашаётган ташкилотлар томонидан қайта ташкил этиш амалга ошириладиган даврда белгиланган тартибда тузилувчи ва тақдим этилувчи молиявий ҳисоботда амалга ошириладиган қайта ташкил этиш ҳақидаги қўйидаги маълумотлар қўшимча тарзда ёритиб берилиши лозим:

а) қайта ташкил этишни амалга ошириш асоси; қайта ташкил этишда қатнашаётган ташкилотлар ва ҳуқуқий ворислар ҳақидаги маълумотлар;

б) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси тузилган сана;

в) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси тузилган санадан эътиборан мол-мулк таркиби ва қийматида содир бўлган ўзгаришлар (туғалланмаган қурилиш таркибидаги асосий воситаларнинг фойдаланишга топширилиши, уларнинг амортизацияси, чиқиб кетиши ва бошқалар) ҳамда мажбуриятлар таркиби ва қийматидаги ўзгаришлар (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ сўндирилиши ёки қўпайиши), шунингдек активлар ва мажбуриятларда тегишли ўзгаришларни келтириб чиқарган ҳодисалар;

г) қайта ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар; вужудга келган ташкилотлар устав капиталининг шакллантирилиши;

д) топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотларининг якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичларига номувофиқлиги (аниқлаштириш);

е) якуний молиявий ҳисобот маълумотларининг дастлабки бухгалтерия баланси кўрсаткичларига номувофиқлиги;

ж) бажарилмаган шартлар ҳамда тан олинган қайта ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ҳодисалар ва бошқалар.

65. Қайта ташкил этиш натижасида ўз фаолиятини тўхтатган ташкилотлар топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш балансида асосан якуний молиявий ҳисоботнинг бухгалтерия балансида «Ҳисобот даври охирига» устунининг кўрсаткичларини тўлдирадилар.

Ўз фаолиятини тўхтатган ташкилотнинг якуний молиявий ҳисоботига изоҳларда амалга оширилган қайта ташкил этиш ва ташкилот фаолиятининг тўхтатилиши ҳақида қўйидаги маълумотлар ёритиб берилиши мумкин:

а) қайта ташкил этишни амалга ошириш учун асослар;

б) мол-мулк ва мажбуриятларнинг ҳуқуқий ворисга ўтказилиши ҳақидаги ҳужжатлар;

в) қайта ташкил этиладиган ташкилотларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа банк ҳисобварақлари ёпилгани, қайта расмийлаштирилганини тасдиқловчи ҳужжатлар;

г) қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг давлат солиқ органлари, давлат мақсадли жамғармалари, ҳудудий статистика органлари ҳисобидан чиқарилиши ҳақидаги маълумотлар ва бошқалар.

66. Қўшиб олиш ёки ажратиб чиқариш шаклида амалга оширилган қайта ташкил этишдан кейин ўз фаолиятини давом эттираётган ташкилотлар олинган (топширилган) мол-мулк ва мажбуриятлардан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисобот тузадилар.

Топшириш далолатномаси ёки тақсимлаш баланси маълумотлари, устав капитали, қўшилган капитал миқдори ҳамда бухгалтерия балансининг бошқа кўрсаткичларидаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб берилди.

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган ташкилот даромадлари, харажатлари, олган фойдалари (кўрган зарарлари)нинг суммалари, шунингдек фойда солиғи ҳақидаги, шу жумладан ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлимга тааллуқли маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ молиявий ҳисоботга изоҳларда ёритиб берилиши мумкин.

Молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг қиёсийлигини таъминлаш мақсадида, ташкилотларни қўшиб олиш (ажратиб чиқариш) амалга оширилган қайта ташкил этиш жараёни яқунланганидан кейин, қайта ташкил этишдан олдинги даврларга тегишли маълумотларга белгиланган тартибда тузатишлар киритилиши лозим. Бунда бухгалтерия ҳисобида ҳеч қандай ёзувлар қайд этилмайди.

67. Қайта ташкил этиш натижасида вужудга келган ташкилотлар ўзлари давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб ўтган ҳисобот даври учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда молиявий ҳисобот тузадилар ва тақдим этадилар.

68. Агар амалга оширилган қайта ташкил этиш натижасида қайта ташкил этилган ташкилотнинг шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига нисбатан ҳуқуқлари ҳуқуқий ворисга ўтган бўлса, ҳуқуқий ворис, ўз ташкилотининг дастлабки молиявий ҳисоботи билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (8-сонли БҲМС) «Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби»га (рўйхат рақами 3537, 2024 йил 26 июль) мувофиқ ўзаро боғлиқ ташкилотлар гуруҳининг консолидация қилинган молиявий ҳисоботини тузиши ва консолидациялашган молиявий ҳисоботга изоҳларда маълумотларни ёритиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия
ҳисобининг миллий стандарти (23-сонли
БҲМС) «Қайта ташкил этишни амалга
оширишда молиявий ҳисоботни
шакллантириш»га
ИЛОВА

**Ташкилотларни қайта ташкил этишда қўлланиладиган
мол-мулкни баҳолаш
ТУРЛАРИ**

Активларнинг турлари	Баҳолаш турлари				
	бозор қиймати	ҳақиқий қиймат	қолдиқ қиймат	номинал қиймат	режали, меъёрий қиймат
Асосий воситалар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Номоддий активлар	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ
Капитал қўйилмалар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Узоқ муддатли инвестициялар	ҳа	ҳа	ҳа	ҳа	йўқ
Материаллар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Тугалланмаган ишлаб чиқариш	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулот	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Тайёр маҳсулот	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Товарлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Юклар жўнатилган товарлар	ҳа	ҳа	йўқ	йўқ	ҳа
Нақд пул маблағлари	йўқ	йўқ	йўқ	ҳа	йўқ
Пул ҳужжатлари	йўқ	ҳа	йўқ	ҳа	йўқ
Банкдаги счётлардаги пул маблағлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Йўлдаги ўтказмалар	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ
Молиявий қўйилмалар	ҳа	ҳа	йўқ	ҳа	йўқ
Келгуси даврлар харажатлари	йўқ	ҳа	йўқ	йўқ	йўқ

Ўзбекистон Республикаси
иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил
14 июндаги 142-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 12 апрелдаги 37-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» (2005 йил 27 июн, рўйхат рақами 1484) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 25-26-сон, 187-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 24 июлдаги 72-сонли «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 23-сон БҲМС «Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш» га ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги буйруғи (2013 йил 7 август, рўйхат рақами 1484-1) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 12 август, 32-сон, 432-модда).

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH
AGENTLIGI DIREKTORINING
BUYRUG‘I

272 Davlat mulkini xususiylashtirishga tayyorlashda yuridik shaxsning (davlat ko‘chmas mulk obyektini balansa saqlovchining) rahbari tomonidan tasdiqlanadigan asosiy vositalarni inventarizatsiyadan o‘tkazish dalolatnomalarining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida*

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2024-yil
2-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3541*

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat mulkini xususiylashtirish to‘g‘risida”gi Qonunining 16-moddasiga muvofiq **buyuraman:**

1. Davlat mulkini xususiylashtirishga tayyorlashda yuridik shaxsning (davlat ko‘chmas mulk obyektini balansa saqlovchining) rahbari tomonidan tasdiqlanadigan asosiy vositalarni inventarizatsiyadan o‘tkazish dalolatnomalarining shakllari ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Direktor

A. ORTIKOV

Toshkent sh.,
2024-yil 5-iyul,
236-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma‘lumotlari milliy bazasi»da 2024-yil 6-avgustda e‘lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining
2024-yil 5-iyuldagi 236-son buyrug'iga
ILOVA

Davlat mulkini xususiy lashtirishga tayyorlashda yuridik shaxsning (davlat ko'chmas mulk obyektini balansda saqlovchining) rahbari tomonidan tasdiqlanadigan asosiy vositalarni inventarizatsiyadan o'tkazish dalolatnomalarining SHAKLLARI

1-bob. Asosiy vositalari (fondlar)ni inventarizatsiyadan o'tkazish dalolatnomasining shakli

_____ning
(Davlat mulki (AJ, MChJ, DUJ, DM yoki ko'chmas mulk objekti)ning nomi)
**asosiy vositalari (fondlar)ni inventarizatsiyadan o'tkazish
DALOLATNOMASI**

_____yil "____"_____dagi holati bo'yicha

T/r	Inv. raqami	Inventarizatsiya obyektining nomi, texnik tavsifi	Qurilgan yili yoki foydalanishga topshirilgan sana, oy va yil	Soni	Balans qiymati, ming so'm	Eskirish		Qoldiq qiymati, ming so'm	Bino va inshootlarning umumiy maydoni*, kv.m.	Qavatlar soni	Izoh
						ming so'm	foizlarda				
1.											

(imzo)

(F.I.O.)

M.O'

* kadastr hujjatlariga muvofiq "umumiy maydoni" so'zlari "quritilish osti maydoni" so'zlariga o'zgartirilishi mumkin

2-bob. Inventarizatsiyadan o'tkazish davomida yangi aniqlangan asosiy vositalar dalolatnomasining shakli

ning

(Davlat mulki (AJ, MChJ, DUK, DM yoki ko'chmas mulk obyekti)ning nomi)

inventarizatsiyadan o'tkazish davomida yangi aniqlangan asosiy vositalar
DALOLATNOMASI

_____ yil "___" _____dagi holati bo'yicha

T/r	Inv. raqami	Inventarizatsiya obyekti nomi, texnik tavsifi	Qurilgan yili yoki foydalanishga topshirilgan sana, oy va yil	Soni	Balans qiymati, ming so'm	Eskirish		Qoldiq qiymati, ming so'm	Bino va inshootlarning umumiy maydoni*, kv.m.	Qavatlar soni	Izoh
						ming so'm	foizlarda				
1.											

(imzo)

(F.I.O.)

M.O'

* kadastr hujjatlariga muvofiq "umumiy maydoni" so'zlari "qurilish osti maydoni" so'zlariga o'zgartirilishi mumkin

3-bob. Ijtimoiy infratuzilma va atrof muhitni muhofaza qilish obyektlarini inventarizatsiyadan o'tkazish dalolatnomasining shakli

_____ning

(Davlat mulki (AJ, MChJ, DUK, DM yoki boshqa mulk obyekti)ning nomi)

ijtimoiy infratuzilma va atrof muhitni muhofaza qilish obyektlarini inventarizatsiyadan o'tkazish DALOLATNOMASI

_____ yil “_____” _____dagi holati bo'yicha

T/r	Inv. raqami	Inventarizatsiya obyektining nomi, texnik tavsifi	Qurilgan yili yoki foydalanishga topshirilgan sana, oy va yil	Soni	Balans qiymati, ming so'm	Eskirish		Qoldiq qiymati, ming so'm	Bino va inshootlarning umumiy maydoni*, kv.m.	Qavatlar soni	Izoh
						ming so'm	foizlarda				
1.											

(imzo)

(F.I.O.)

M.O'

* kadastr hujjatlariga muvofiq “umumiy maydoni” so'zlari “qurilish osti maydoni” so'zlariga o'zgartirilishi mumkin

4-bob. Tugallanmagan inventarizatsiyadan o'tkazish dalolatnomasining shakli

_____ning

(Davlat mulki (AJ, MChJ, DUJ, DM yoki ko'chmas mulk obyekti)ning nomi)

tugallanmagan qurilishini inventarizatsiyadan o'tkazish
DALOLATNOMASI

_____ yil "___" _____dagi holati bo'yicha

Yil	Xarajatlar hajmi ming rub, so'm-kupon, so'm.	Asos (bajarilgan ishlar dalolatnomasi, raqami va sanasi)	Izoh
1990-yilgacha			
1991-y.			
1992-y.			
1993-y.			
1994-y.			
1995-yildan boshlab			
... inventarizatsiyadan o'tkazish sanasiga qadar			
HAMMASI:			

(imzo)

(F.I.O.)

M.O'

5-bob. Yer uchastkasini (yer uchastkasi, yer osti boyliklari va boshqa tabiiy resurslarga bo'lgan huquqlarni) inventarizatsiyadan o'tkazish dalolatnomasining shakli

_____ning

(Davlat mulki (A.J., MChJ, DUJ, DM yoki ko'chmas mulk obyekti)ning nomi)

yer uchastkasini (yer uchastkasi, yer osti boyliklari va boshqa tabiiy resurslarga bo'lgan huquqlarni) inventarizatsiyadan o'tkazish
DALOLATNOMASI

_____ yil “__” _____dagi holati bo'yicha

T/r	Tabiiy resurslarning nomi	Obyektning manzili	Tabiiy resurslarga bo'lgan huquqni tasdiqlovchi davlat dalolatnomasi	Kadastr raqami	Yer uchastkasining umumiy maydoni, gektarda	
					kadastr hujjati bo'yicha	amalda
1.	Yer uchastkasi					
2.	Yer osti boyliklari					
3.	Boshqa tabiiy resurslar					

(imzo)

(F.I.O.)

M.O'

6-bob. O‘rnatilmagan asbob-uskunalarini inventarizatsiyadan o‘tkazish dalolatnomasining shakli

_____ning

(Davlat mulki (AI, MChL, DUK, DM) yoki ko‘chmas mulk obyekti)ning nomi)

o‘rnatilmagan asbob-uskunalarini inventarizatsiyadan o‘tkazish

DALOLATNOMASI

_____ yil “ ” dagi holati bo‘yicha

T/r	Inv. raqami	Inventarizatsiya obyektining nomi, texnik tavsifi	Ishlab chiqarilgan yili	Soni	Balans qiymati, ming so‘m	Eskirish		Qoldiq qiymati, ming so‘m	Izoh
						ming so‘m	foizlarda		
1.									

(imzo)

(E.L.O.)

M.O‘

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 143-сон “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айла-ниши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3538.

2. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 26 июндаги 149-сон “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғриси-даги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-8.

3. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 139-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг мил-лий стандарти (16-сонли БҲМС) “Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берадиган ҳодисалар ва назарда тутилмаган ҳолатлар”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3539.

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 1 июлдаги 150-сон “Хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемалари учун мўл-жалланган авиакеросин маҳсулотини божхона расмийлаштирувидан ўтказиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2525-4.

5. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг 2024 йил 14 июндаги 142-сон “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг мил-лий стандарти (23-сонли БҲМС) “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш”ни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

2024 йил 2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3540.

6. O‘zbekiston Respublikasi Davlat aktivlarini boshqarish agentligi direktorining 2024-yil 5-iyuldagi 236-son “Davlat mulkini xususiylashtirishga tayyorlashda yuridik shaxsning (davlat ko‘chmas mulk obyektini balansda saqlovchining) rahbari tomonidan tasdiqlanadigan asosiy vositalarni inventarizatsiyadan o‘tkazish dalolatnomalarining shakllarini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

2024-yil 2-avgustda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 3541.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон “Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1297, 2004 йил 14 январь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1297-1, 2013 йил 7 июнь), (рўйхат рақами 1297-2, 2016 йил 12 октябрь), (рўйхат рақами 1297-3, 2017 йил 3 июль), (рўйхат рақами 1297-4, 2019 йил 11 март), (рўйхат рақами 1297-5, 2020 йил 20 август), (рўйхат рақами 1297-6, 2023 йил 27 март).

2024 йил 30 июлда давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 30 октябрда 57-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 16-сон БХМС “Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари” (рўйхат рақами 578, 1998 йил 23 декабрь).

2024 йил 31 июлда давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 12 апрелдаги 37-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 23-сон БХМС “Қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисоботни шакллантириш” (2005 йил 27 июн, рўйхат рақами 1484), шунингдек унга ўзгартиришлар (2013 йил 7 август, рўйхат рақами 1484-1).

2024 йил 2 августда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.